

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ

ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ

«Химояга рухсат этилсин»

Факультет декани

_____ ф.ф.д., проф. И.Ж.Юлдашев

2013 йил «__» _____

5140600 - Тарих факультети «Тарих» йўналиши 4-курс талабаси

Азимов Ойбек Ҳамидовичнинг

**“Мустақиллик йилларида Ўзбекистон саноатининг
ривожланиши”**

мавзусида ёзилган

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар: «Тарих» кафедраси
доценти

_____ т.ф.н. Н.Кувватов

Такризчилар:

«Тарих» кафедраси доценти

_____ т.ф.н. Ф.Исматуллаев

ЎзМУ “Жахон тарихи” кафедраси доценти

_____ т.ф.н. Р.Турсунов

«Химояга тавсия этилсин»

«Тарих» кафедраси мудири

_____ т.ф.н., доц. С.Р.Тўраев

2013 й. «__» _____

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I БОБ.	МАМЛАКАТИМИЗДА ИҚТИСОДИЁТНИНГ ТУБДАН ЎЗГАРИШИ САРИ ЙЎЛ ТУТИЛИШИ	
1.1.	Ўзбекистон иқтисодий тараққиёт йўлининг танлаб олиниши	6
1.2.	Президент И.А.Каримов республика иқтисодиётининг бош ислохотчиси	19
1.3.	Республика иқтисодий тараққиётининг ҳуқуқий асослари.....	24
II БОБ.	РЕСПУБЛИКА САНОАТНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ЖАРАЁНИ	
2.1.	Маҳаллий саноат тараққиётининг ўсиши жараёни.....	28
2.2.	Миллий автомобилсозлик ва машинасозлик тараққиётининг одимлари.....	34
2.3.	Халқаро иқтисодий алоқаларда Ўзбекистон саноатининг ўрни.....	41
III БОБ	МАВЗУГА ОИД ДАРС ИШЛАНМАСИ.....	50
ХУЛОСА	66
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	69
ИЛОВАЛАР	73

Кириш

Мавзунинг долзарблиги Мустақиллик йилларида мамлакатимиз иқтисодиёти тубдан ўзгарди, яъни бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтилди, мулкнинг хилма-хиллиги жорий этилди. Бу эса ўз навбатида иқтисодиётнинг бошқа соҳалари каби саноатнинг ривожланишига кенг имкониятларни яратди. Мамлакатимизда саноатнинг турли соҳалари ривожланди, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш йилдан йилга ршиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида қуйидагилар қайд этилган: “Ўтган йили мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати, қутилганидек амалда 8.3 фоизни ташкил этди, 2000-2011 йиллар мобайнида ялпи ички маҳсулот ҳажми 2.1 баробар ошди. Ўтган йили саноат ишлаб чиқариши 6.3 фоизга барқарор юқори суръатлар билан ўсди. Иқтисодиётимизда юз бераётган жиддий таркибий ва сифат ўзгаришларини биргина мисолда, яъни 2000 йилда мамлакамиз ялпи ички маҳсулотини шакллантишда саноат ишлаб чиқаришнинг улуши бор-йўғи 14.2 фоизни ташкил этган бўлса 2011 йилда бу кўрсаткич 24.1 фоизга етганида яққол кўриш мумкин. Бугунги кунда иқтисодиётимизнинг локомотивига айланган машинасозлик ва автомобилсозлик 12.2 фоиз, кимё ва нефть-кимё саноати 9.4 фоиз, озиқ-овқат саноати 13.1 фоиз, қурилиш материаллари саноати 11.9 фоиз ўсган¹. Мамлакатимиз саноати ривожланган индустриал мамлакатга айланиб бормоқда, Ўздеуавто, Дженерал моторс, Самкочавто каби автомобилсозлик заводлари, енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқадиган фабрикаларимиз билан фахрланамиз.

¹ “Ишонч” газетаси 2012 йил 24 январ № 11-12 сони.

Шу нуқтаи назардан олиб қараганда “Мустақиллик йилларида Ўзбекистон саноатининг ривожланиши” деб номланган битирув малакавий иш мавзуси долзарб мавзулардан биридир.

Мавзунинг ўзганилиш даражаси Битирув малакавий иш мавзусига оид Президентимиз Ислоом Каримовнинг “Ўзбекистоннинг ўз истиқлоли ва тараққиёт йўли”², “Иқтисодий ислохот: маъсулиятли босқич”³, “Ўзбекистоннинг сиёсий – ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари”⁴, “Дехқончилик тараққиёти – фаровонлик манбаи”⁵, “Барқарор тараққиётга эришиш устивор вазифа”⁶, “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”⁷, “Юксак малакали муттахассислар – тараққиёт омили”⁸ номли асарлари ва бошқа маърузаларида кенг ўрин эгаллаган. Бундан ташқари Н.Тўхлиевнинг “Бозорга ўтишнинг машаққатли йўли”⁹, В.А.Чженнинг “Хусусийлаштириш асослари”¹⁰, Ю.Йўлдошевнинг “Ўзбекистонда иқтисодиётни эркинлаштириш, модернизациялаш, халқнинг ҳаёт даражасини юксалтириш: натижа ва устувор вазифалар”¹¹, Н.Жўраев ва Т.Файзуллаевларнинг “Мустақил Ўзбекистон тарихи”¹² кабилари битирув малакавий ишимизнинг мазмун моҳиятини очиб беришга хизмат қилди.

Мавзунинг мақсад: Мустақиллик йилларида Ўзбекистон саноатининг ривожланишини илмий адабиётлар билан қиёслаб ўрганиш.

Мавзунинг вазифалари:

² Каримов.И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлоли ва тараққиёт йўли. Тошкент: “Ўзбекистон”. 1992. 78б.

³ Каримов.И.А. Иқтисодий ислохот: маъсулиятли босқич. Тошкент: “Ўзбекистон”. 1994. 44б.

⁴ Каримов.И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий – ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Тошкент: “Ўзбекистон”. 1995. 74б.

⁵ Каримов.И.А. Дехқончилик тараққиёти – фаровонлик манбаи. Тошкент: “Ўзбекистон”. 1994. 72б.

⁶ Каримов.И.А. Барқарор тараққиётга эришиш устивор вазифа. Тошкент: “Ўзбекистон”. 1998. 95б.

⁷ Каримов.И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент: “Ўзбекистон”. 1997. 32бб.

⁸ Каримов.И.А. Юксак малакали муттахассислар – тараққиёт омили. Тошкент: “Ўзбекистон”. 1995. 24б.

⁹ Тўхлиев Н. Бозорга ўтишнинг машаққатли йўли. –Т.: “Ўзбекистон”, 240 б.

¹⁰ Чжен В.А. Хусусийлаштириш асослари. –Т.: “Иқтисод ва ҳуқуқ дунёси”, 1996.

¹¹ Йўлдошев Ю.Қ. Ўзбекистонда иқтисодиётни эркинлаштириш, модернизациялаш, халқнинг ҳаёт даражасини юксалтириш: натижа ва устувор вазифалар.

¹² Жўраев Н., Файзуллаев Т. Мустақил Ўзбекистон тарихи. –Т.: “Шарқ” нашриёт-мабаа концернининг Бош таҳририяти. 2011.

1. Ўзбекистон иқтисодий тараққиёт йўлининг танлаб олиниши масалаларини мавжуд адабиётлар асосида таҳлил қилиш;
2. Президент И.А.Каримов республика иқтисодиётининг бош ислохотчиси эканлигини ўқиб, ўрганиб аниқ хулосалар чиқариш;
3. Республика иқтисодий тараққиётининг ҳуқуқий асослари жараёниларини қиёсий таҳлил қилиш;
4. Маҳаллий саноат тараққиётининг ўсиши жараёнига оид ишларни ўрганиш;
5. Мамлакатимизда миллий автомобилсозлик ва машинасозлик тараққиётининг жадал ривожланиши борасидаги олиб борилган ишларни ўрганиш;
6. Халқаро иқтисодий алоқаларда Ўзбекистон саноатининг ўрни масалаларини мавжуд адабиётлар асосида таҳлил қилиш;
7. Мавзуни ўқитиш жараёнига замонавий педагогик технологияларни жорий этиш усуллари ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти Битирув малакавий ишининг илмий аҳамияти шундан иборатки, ишда келтирилган манбалар, тарихий далиллар, тадқиқот натижалари ва тавсиялардан умумий ўрта таълим мактабларида, академик лицей ва касб ҳунар коллежларида тарихни ўқитиш жараёнида, шунингдек, бошқа ижтимоий фанларнинг тегишли мавзуларида, Ўзбекистон иқтисодиётига оид маъруза матнлари тайёрлашда фойдаланиш мумкин. Ишнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, битирув малакавий ишда келтирилган ўқитиш усуллари, таклиф этилаётган замонавий педагогик технологиялар ва методик тавсиялар академик лицей, касб ҳунар коллежлари ўқитувчилари ўз фаолиятларида фойдаланишлари мумкин.

Ишнинг тузилиши: Битирув малакавий иши кириш, 3 боб, 6 параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловалардан иборат бўлиб 60 бетни ташкил этади.

I БОБ. МАМЛАКАТИМИЗДА ИҚТИСОДИЁТНИНГ ТУБДАН ЎЗГАРИШИ САРИ ЙЎЛ ТУТИЛИШИ

1.1. Ўзбекистон иқтисодий тараққиёт йўлининг танлаб олиниши

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин иқтисодий тараққиётнинг ўзига хос йўлини танлаб олди. Бу йўл Юртбошимизнинг “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли”, “Ўзбекистон – бозор муносабатларишга ўтишнинг ўзига хос йўли, ”“Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида” каби асарларида асослаб берилган.

Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтишининг тамойиллари Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, у нафақат республикада, балки, жаҳон жамоатчилиги томонидан ҳам эътироф этилган. Улар қуйидагилардан иборат:

1.Иқтисодиётнинг мафкурадан батамом ҳоли бўлиши. Яъни, иқтисодиёт сиёсатдан устун турмоғи, унинг ички мазмунини ташкил қилмоғи лозим. Айнан иқтисодиёт, уни янада ривожлантириш муаммолари давлат сиёсатининг асосий мазмунига айланди.

2.Давлат бош ислохотчи. Яъни, давлат бутун халқнинг манфаатларини кўзлаб, ислохотлар жараёнининг ташаббускори бўлиши, иқтисодиётда, ижтимоий соҳада ва суверен давлатимизнинг ижтимоий сиёсий ҳаётида туб ўзгаришларни амалга ошириш сиёсатини ишлаб чиқиши ва изчил рўёбга чиқариши керак.

3.Қонун устиворлиги. Яъни, янгиланиш ва тараққиёт жараёни қонунларга асосланмоғи зарур. Иқтисодий ўзгаришлар синалган, амалий кучга эга бўлган қонунга таянгандагина сезиларли натижа бериши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, қонуннинг устуворлиги – ҳуқуқий давлатнинг асосий тамойилидир.

4.Аҳолининг демократик таркибини ҳисобга олган ҳолда кучли ижтимоий сиёсатни ўтказиш. Яъни, иқтисодий ислохотнинг барча босқичларида демография соҳасидаги реал аҳволни, аҳолининг мавжуд

турмуш даражасини ҳисобга олган ҳолда одамларни ижтимоий ҳимоялаш соҳасида кучли чора-тадбирларни олдиндан амалга ошириш керак. Буни бошқача қилиб тушунтирганда, ижтимоий ҳимоялаш ва кафолатларнинг кучли, таъсирчан механизми мавжуд бўлгандагина ижтимоий – сиёсий барқарорликни сақлаш, бозор иқтисодиёти сари тинимсиз ривожланиб боришни таъминлаш мумкин.

5. Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш. Яъни, иқтисодий ислохотларни, бозор муносабатларини шакллантиришни пухта ўйлаб, босқичма-босқич амалга ошириш лозим¹.

Бу беш тамойилнинг ҳаммаси ҳам демократик ва иқтисодий ўзгаришларни муваффақиятли ислоҳ қилиб боришда бирдай муҳим аҳамиятга эгадир. Шу билан бирга бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш тамойили алоҳида эътиборга лойиқ. Бу иқтисодий ислохотларнинг бутун ички мантиқини, ривожланиб бориши ва характерини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов 1993 йил 2 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Олий кенгаши XVIII сессиясида “Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари” мавзусида қилган маърузасида “бозор муносабатларига ўтиш инсоннинг ижодий ва меҳнат салоҳиятини намоён қилишга, боқимандаликни бартараф этишга, йўқолиб кетган эгалик туйғусини қайта тиклашга имкон беради”², - деб таъкидлаган. Шу боисдан иқтисодиётни ривожлантиришнинг кейинги босқичида турган муҳим масалаларга эътиборни қаратган.

Бу масалалардан бири иқтисодиётни, молиявий аҳволни барқарорлаштириш ҳисобланади. Шу мақсад учун юртбошимиз куйидагиларни амалга ошириш зарурлигини белгилаб берган:

- биринчидан, қатъий молиявий сиёсат ўтказиш;

¹ Усмонов Қ. Ўзбекистон тарихи. Академик лицей ва касб ҳунар коллежлари учун дарслик.Т.: “Ўқитувчи”, 2003. 128б.

² Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. - Т. 2.-Т., Ўзбекистон, 1996. 5-бет.

- иккинчидан, кредит-банк тизимини, пул муомаласини мустаҳкамлаш, валюта муносабатларини тартибга солиш;

- учинчидан, ишлаб чиқаришни барқарорлаштиришга кўмаклашиш ишлаб чиқариш ва инвестиция фаолиятини рағбатлантириш;

- тўртинчидан, пулнинг қадрсизланишига ва монополияга қарши таъсирчан чора-тадбирларни ўтказиш, монополист корхоналарнинг улгуржи ва чакана нархларни ошириб юборишларига йўл қўймаслик.

Иқтисодий дастуримизнинг яна бир стратегик вазифаси иқтисодиётимизнинг таркибини қайта қуришдан иборат эканлигига юртбошимиз алоҳида урғу беради. Бу бўйича ишлаб чиқилаётган чора-тадбирлар, аввало қуйидаги вазифаларни ҳал қилишга қаратилмоғи лозимлиги эътибор қаратилади:

- биринчидан, қишлоқ хўжалик хом ашёси ва минерал ресурсларни чуқурроқ қайта ишлаш, уларни тайёр маҳсулот даражасига ўтказиш, қишлоқ хўжалик ресурсларини чуқур қайта ишлашга алоҳида аҳамият берилиши керак;

- иккинчидан, илм-фанга асосланган, техник жихатдан мураккаб тайёр маҳсулот улушини кўпайтириш ва унинг рақобат қобилиятини таъминлаш, ақлий салоҳият негизда юксак техникага эга бўлган корхоналарни вужудга келтириш;

- учинчидан, илғор технологияларга, замонавий ишлаб чиқариш таркимбига ўтишни таъминлаш, минерал ресурсларнинг комплекс қайта ишловчи ўзаро боғлиқ тармоқлар тизимини шакллантиришдир.

Ушбу нутқда юртбошимиз иқтисодий ўзгартиришларнинг ғоят муҳими ҳисобланадиган қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлар моҳиятини ёритар экан қишлоққа саноатни олиб келиш зарурлиги тўғрисида муҳим хулосани чиқаради.

1993 йил 5 ноябр куни республика Вазирлар Маҳкамасининг “Иқтисодий мустақиллик – олий мақсадимиз” мавзусида қилган нутқида сиёсий мустақиллик, бу – ҳали иқтисодий мустақиллик дегани, эмас, унга

эришиш учун анча вақт кераклигини, иқтисодий мустақил бўлиш учун халқ хўжалиги тизимларини бутунлай ўзгартириш лозимлиги кўрсатиб берилган. Чунки собиқ тоталитар тузум шароитида ишлаб чиқарувчи кучларнинг нотекис жойлаштирилиши, ҳар бир республика иқтисодиётининг бошқа республикалар, айниқса, Россияга боғлаб қўйилганлиги сабабли, кўпгина маҳсулотлар бўйича қарам бўлиб қолганмиз ва 60 фоиз хом ашёни Россия ва бошқа давлатлардан келтиришга мажбур бўлиб қолганмиз.

Ушбу нутқда юртбошимиз миллий мустақилликнинг белгиларидан бири бўлган миллий валютани муомалага киритиш инқилоб билан тенг эканлиги, қайд этилган. Шунингдек, миллий валютага ўтишда ҳалол топилган пулни халқимизга тўлиқ алмаштириб бериш, нарх-навонинг кескин ошиб кетишига йўл қўймаслик, эски пулни алмаштиришда ночор оилаларга, талабаларга, қарияларимизга берилган имтиёزلарни сақлаб қолган ҳолда шов-шувсиз амалга ошириш, ўз валютаимизни мол билан таъминлашимиз даркорлиги асослаб берилган.

И.А.Каримов ўзимизни ёқилғи маҳсулотлари билан таъминлаш ҳамда таъминоти чет билан боғлиқ катта корхоналар учун маҳсулотлар олишда ҳисоб-китоб қилиш учун берадиган маҳсулотимиз тайёр бўлиши мустақилликка эришишнинг муҳим шарти эканлигини кўрсатиб беради. Юртбошимиз “токи, биз уларга эмас, улар бизга муҳтож бўлсин. Бу энг муҳим масала”³, - деб хулоса чиқарган.

Президент И.А.Каримов 1994 йил 18 февралда Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида сўзлаган нутқида ҳамма ташвишларимизни, муаммоларимизни ечишни қишлоқ хўжалиги соҳасидан бошлашдан “Мақсад - қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаб чиқариш самарадорлигини кескин ошириш, қишлоқда яшаётган халқимизнинг ҳаёт даражасини кўтариш, улар учун муносиб шарт-шароитларни яратишдан иборат бўлмоғи керак”⁴, - деб таъкидлаган.

³ Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. - Т. 2.-Т., Ўзбекистон, 1996. 90-бет.

⁴ Ўша ерда, 158-бет.

Бунинг учун қуйидагиларни амалга ошириш лозимлиги асослаб берилган:

- қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш, ишсиз юрганларни ва доимий унумли иш билан банд бўлмаганларни (ҳисоб-китоб бўйича, бундай кишилар икки миллионга яқин) ишлаб чиқариш соҳаларига жалб этиш, уларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш зарур;

- саноатни, хизмат кўрсатиш соҳаларини қишлоққа олиб келиш, маҳсулотни қайта ишлайдиган ихчам корхоналарни қишлоқда жойлаштириш;

- мулкчилик шакллари ўзгартириш, мулкни ўз эгасини топиб, унга бериш.

Юртбошимиз ислоҳотни жорий қилишдаги қуйидаги тўсиқ ва жиддий нуқсонларни, масалаларни таҳлил қилган:

1. Энг катта душманимиз бўлган ҳар қадамда учраётган расмиятчилик, кўз бўямачилик, ишимизга юзаки қарашга барҳам бериш.

2. Ислоҳот йўлидаги барча ҳаракатларимизни йўққа чиқарадиган яна бир сабаб бўлган турли давлат бошқарув органлари фаолиятида хўжаликларга нисбатан эскидан қолган маъмурий-буйруқбозлик, қотиб қолган зўравонлик усуллари ишлатиш, ҳисобот сўраш, янгича иш юритмоқчи бўлган хўжаликларни эски қолипларга киритиш ҳаракатлари барҳом топтириш.

3. Фермер (деҳқон) хўжалиги ва у ташкил қилинган ерда фаолият кўрсатаётган давлат ёки жамоа хўжаликлари, совхоз, колхоз ширкатлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни аниқ бир йўлга қўйиш, уларнинг алоқаларини ҳуқуқий замин асосига қўйиш.

4. Фермер хўжаликлари, деҳқонлар учун хизмат кўрсатувчи ташкилотларни, кооперация асосида ишлайдиган тижоратчиларни, уюштириш, яъни қишлоқда керакли шарт-шароитни бунёд этиш.

5. Қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаётган иқтисодчи олимларнинг амалий таклифларни бера олмаётганликлари танқид қилинган.

6. Давлат маблағи билан хўжаликлар топган маблағни ажратиб қўйиш, деҳқон бўйнига ҳар хил боқиманда ташкилотларни мажбуран осиб қўйиш амалиётидан воз кечиш.

Ушбу нутқида юртбошимиз қуйидагиларни таклиф этган:

- хўжаликлар билан шартнома асосида хизмат кўрсатадиган пунктлар очиш;

- кредит масаласини ечиш;

- деҳқон, фермерлар етиштирган маҳсулотларни тўсиқ эркин (келишилган) нархларда қабул қилиш;

- зарар кўриб ишлаётган хўжаликларни мулкчиликнинг бошқа, фойда ва унум берадиган шаклларга ўтказиш;

- давлат буюртмаларини келажакда қисқартириб, камайтириб бориш.

И.А.Каримов ушбу масалаларни таҳлил қилиш асосида “фермерлар - аграр ислоҳот тизимининг биринчи қалдирғочлари. Уларнинг қанотини синдирмайлик. Уларни асраш, авайлаш, парваришлаш керак. Фермерларимиз кўрсатилган бир яхшиликка минг яхшилик билан жавоб қайтаришига имоним комил”⁵, - деб хулоса қилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида 1995 йил 23 февралда қилган “Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари” мавзусидаги қилган маърузасида иқтисодий муносабатларни демократиялаш бозор муносабатларининг муҳим шарти эканлиги баён қилинган. Ушбу маърузада юртбошимиз республикамызда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар биринчи босқичининг муҳим яқунлари таҳлил қилинган.

Маърузада иқтисодиётимизда эришилган натижалардан энг муҳимлари қуйидагича изоҳлаб берилган:

- биринчидан, макроиқтисодий барқарорлаштириш сиёсатини амалга ошириш сари илк қадам ташладик;

⁵ Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. - Т. 2.-Т., Ўзбекистон, 1996. 170-бет.

- иккинчидан, саноатни, умуман ишлаб чиқаришнинг устувор йўналишларини давлат томонидан доимий равишда қўллаб-қувватланишини таъминлай олдик;

- учинчидан, халқимиз эҳтиёжини қондирадиган ғалла, дон, гўшт, сут маҳсулотларини четдан олиб келишни кескин камайтирдик. Нефть ва нефть маҳсулотларини қўшни давлатлардан олиб келишни камайтириш сари ҳал қилувчи кадам қўйилди;

- тўртинчидан, хорижий сармояларни мамлакатмизга жалб этиш учун кенг имкониятлар ва муҳим шарт-шароитларни яратдик.

И.А.Каримов Ўзбекистон мана шундай шароитда иқтисодий ислохотларнинг иккинчи босқичига кириб бораётганлигини таъкидлаб, бу янги босқичдаги энг муҳим ва долзарб вазифаларни белгилаб берган. Улар қуйидагилардан иборат:

- мулкий муносабатларни тубдан ўзгартириш, яъни мулкни ҳақиқий эгаларига қўлига беришни тезлаштириш, тадбиркорлик учун кенг йўл очиб бериш ва мулкдорда янги мулк эгаси ҳиссиётини тарбиялаш;

- иқтисодиётда таркибий – структуравий ўзгаришларни амалга ошириш;

- банк, молия, кредит тизимларини такомиллаштириш, уларни жаҳон талабларига кўтариш;

- иқтисодиётимизни барқарорлаштириш, пул қадрсизланиши – инфляцияни камайтиришни, рақобатни ташкил қилишни, ички миллий маҳсулот ҳажмининг ошиб боришини таъминлаш, тўлов балансини мустаҳкамлаш ва бошқаришни қўллаб-қувватлаш, ташкилий янгиликларни чуқурлаштириш;

- миллий валютамиз - сўмимизни мустаҳкамлаш;

- халқимизнинг муҳтож табақаларини ҳимоялаш, уларга тегишли ёрдам беришни давом эттириш;

- одамлар руҳиятини ўзгартириш, бозор психологиясини шакллантириш⁶.

Бозор иқтисодига ўтиш шароитида давлат бош ислохотчи бўлиши хусусида И.А.Каримов “Бозор муносабатларига ўтиш даврида давлат бош ислохотчи бўлиши, иқтисодиёт ва ижтимоий турмушнинг ҳамма соҳаларини ўзгартириш режаларини тузиб, уни изчиллик билан амалга ошириши зарур”,⁷ деб таъкидлаган эди.

Халқ манфаатларига жавоб берувчи мустақил иқтисодий сиёсат Ўзбекистонни мустақил ривожлантиришнинг ажралмас шартидир. Тарихий тажриба шуни кўрсатадики, айрим мамлакатларда иқтисодий ривожланиш ва аҳолининг турмуш даражаларидаги тафовутларга қарамай, жаҳон ҳамжамияти ривожланишининг ҳозирги босқичига бозор иқтисодиёти жуда мос келади ва самара касб этади. Фақат уюшган бозоргина бугунги кунда халқнинг ижодий ва меҳнат имкониятларини очиб бера олади, боқимандаликка хотима беради, ташаббускорлик ва ишбилармонликни ривожлантира олади, рағбатлантиришни ва йўқотилган эгалик туйғусини қайта тиклайди. Фақат бозоргина тежамли хўжалик юритишнинг оқилона шакллари яратади.

Бозорга, айниқса, унинг шаклланиш босқичида, узоқ ва чуқур иқтисодий инқирозлар, ишсизликнинг ўсиши, пулнинг қадрсизланиши, кўпгина корхоналарнинг синиши ва ишбилармонларнинг хонавайрон бўлиши, аҳолининг моддий таъминот жиҳатдан кескин табақалашуви, ҳуқуқга зид хатти-ҳаракатлар ва жинойтларнинг ўсиши хосдир. Бозор иқтисодиёти сари буюк сакрашлар, инқилобий қайта ўзгаришлар йўли билан эмас, балки собитқадамлик ва изчиллик билан босқичма-босқич ҳаракат қилиш керак. Бизнинг бозорга ўтишимиздаги ўзига хос хусусиятларимиз ана шундайдир. Бозор муносабатларига асосланган ривожланган жамиятни куриш – бу узоқ мураккаб жараён эканлигини, уни доимий равишда чуқур идрок қилиш ва

⁶ Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. – Т.: Ўзбекистон, 1996. 27-33-бетлар.

⁷ Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. //Биздан озод ва обод Ватан қолсин. –Т.: Ўзбекистон, 1994. 36-бет.

зарур ҳолларда тузатишлар киритишни талаб қилишини англамоқ керак. Бозорга ўтилган сари иқтисодийни бошқариш ва тартибга солишда давлатнинг вазифаси жиддий ўзгаради. Бозор иқтисодийнинг ўзини ўзи тартибга солувчи воисталари тобора муҳимлашади. Давлатга фақат иқтисодий режа ва рағбатлантириш вазифаси қолади. Худди шу йўл билан ҳақиқий бозор муносабатларига ўтиш ва бунинг учун зарур шароитлар яратиш мумкин.

Бозор ҳўжалигининг асосий талаблари ва шартларидан бири эркин нархлардир. Аммо нарх сиёсати, айниқса, бозор тармоқларини қарор топтириш даврида мутлақо тартибга солиб турилмайдиган биронта ҳам давлат йўқ жаҳонда. Бозор муносабатлари йўлига кирган кўпгина мамлакатларнинг тажрибаси давлат ҳар доим аҳолини ҳам, ишбилармонларни ҳам ислоҳотларга тайёрлаб келганлигидан далолат беради.

Давлат ижтимоий-иқтисодий жараёнларга бевосита иқтисодийнинг давлат сектори орқали ҳам таъсир кўрсатади. Давлат ихтиёрида фақат асосий ва халқ ҳўжалиги тармоқларининг стратегик аҳамиятга эга бўлган тармоқлари қолади. Булар ёқилғи, нефть ва газ саноати, электр энергетикаси, темир йўл, автомобил, ҳаво ва трубопровод транспорти, алоқа, сув ва газ таъминоти, ирригация иншоотлари қурилиши ва улардан фойдаланишдир.

Бозор иқтисодийтига босқичма-босқич ўтиш бозорнинг кенг тармоқли тизимини ташкил этишни талаб қилади. Айрим корхоналар ва тижорат тузилмаларининг яккабошлик мавқеини тугатиш, нархларнинг сунъий равишда ошириб юборилиши, монопол юқори даромадлар олинишига қарши турувчи соғлом рақобат муҳитини шакллантириш имконини беради.

Бошқа бир нарсани ҳам эътиборга олиш мумкин, яъни ўзгариб турадиган бозор иқтисодийтини яхши биладиган, маркетинг, менежмент масалаларини тушунадиган, тайёргарлик кўрган менежер ишбилармон мутахассисларга эга бўлмай, корхоналарни малакасиз қўлларга топшириш, уларни барбод бўлишига сабаб бўлади.

Иқтисодиётни барқарорлаштириш, бу бозорни шакллантириш йўлидаги зарурий ва муқаррар босқичдир. Уни таъминлаш учун республика бюджети тақчиллигини чеклашга ва уни изчил равишда энг кам даражага келтиришга қаратилган кучли молиявий сиёсат олиб борилиши керак. Бюджет маблағлари кечиктириб бўлмайдиган энг зарур давлат ва ижтимоий эҳтиёжларгагина берилиши керак.

Эркин нархларга ўтилишидан иборат умумий йўлда товарларнинг алоҳида муҳим турлари доираси нархларининг давлат томонидан назоратга олиниши сақланиб қолади. Энг зарур озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар, буюмларнинг чегараланган нархлари меъёр билан бериш ҳисобига улар билан аҳолини кафолатли таъминлаш, ички истеъмол бозорини ҳимоя қилиш, товарларни сотиб олишда аҳолига катта имкониятлар бериш манфаатларига хизмат қилади. Бозорнинг ўзгарувчи шароитларида меҳнат қилишга лаёқатли маҳаллий мутахассисларсиз Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашни тасаввур қилиш қийин. Бунда Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятлари, халқнинг миллий-руҳий турмуш тарзи, таълимдаги бутун жаҳон ва Шарқ тажрибасининг энг яхши ютуқлари ҳар томонлама эътиборга олиниши керак. Иқтидорли ёшларни хорижий мамлакатларнинг етакчи ўқув юртларига ўқишга ва тажриба орттиришга юбориш муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Замонавий бозор тизимига ўтишга доир чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида, унинг саноатлашган мамлакатлар сафига йўналишида чуқур сифат ўрганишларига олиб келади, ҳамма Ўзбекистон иқтисодий, сиёсий ва маънавий мустақиллигининг ишончли кафолатини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасида давлат бош ислохотчи сифатида қуйидаги ишлар ва вазифаларни амалга ошириши мақсадга мувофиқдир:

- 1) бозор муносабатларига ўтишнинг бошланғич даврида аҳоли манфаатларини кучли қайта тақсимлаш воситаси орқали ҳимоя қилиш;

2) ижтимоий-сиёсий барқарорлик ва миллатлараро тотувликни кафолатлаш;

3) иқтисодий фаолиятларнинг ҳуқуқий асосларини, ўзига хос бозор шарт-шароитларини вужудга келтириш ва тасдиқлаш;

4) бозор иқтисодиётига ўтиш шароитларида кишиларнинг иқтисодий эркинликлари кафолатланган бўлишлиги;

5) давлат ўз зиммасига тартибга солинадиган бозор шароитида асосий мақсад йўналишларини ишлаб чиқиши, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг бош йўлини белгилаш ва бу йўлни ўтказиш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқиши;

6) ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш, аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг самарали ва аниқ-равшан тизимини вужудга келтириш;

7) вужудга келаётган ишбилармонлик тизимларининг қарор топишига ва ривожланишига кўмаклашиш;

8) аниқ мақсадга қаратилган иқтисодиёт тармоқлари тузилмаси сиёсатини изчиллик билан амалга оширишга кўмаклашиш.

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов таъкидлаб кўрсатганидек, “Бозор шароитида иқтисодиётни давлат йўли билан тартибга солиш одатда иқтисодиётнинг давлат секторини ривожлантиришни бошқариши ҳамда ижтимоий муаммоларни ҳал этиш йўли билан бевосита, шунингдек, ҳуқуқий ва иқтисодий воситалар ёрдамида билвосита амалга оширилади”⁸.

Республика ҳалқ хўжалигини, унинг тармоқларини бошқаришнинг маъмурий буйруқбозлик тизимини тугатиш, бошқарувни бозор муносабатларига мослаштириш мақсадида институционал (муассасалар соҳасида) ўзгаришлар амалга оширилди.

Мустабид совет тузумидан мерос бўлиб қолган марказий иқтисодий органлар—Давлат режа кўмитаси, Давлат таъминот кўмитаси, Давлат нархлар кўмитаси, Давлат агросаноат кўмитаси, иқтисодий тармоқларни

⁸ Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. //Биздан озод ва обод Ватан қолсин. –Т.: Ўзбекистон, 1994. 40-бет.

бошқарувчи қўмиталар ва маъмурий аппаратлари тугатилди. Уларнинг ўрнига Макроиқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги қошида нархларни назорат қилиш бўйича махсус бошқарма, Давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб қувватлаш давлат қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги каби янги бошқарув органлари тузилди.

Собиқ Совет давридаги Ўзбекистон ҳудудида жойлашган иттифоқ ва иттифоқдош республикалар бўйсунувидаги корхоналар республикамизнинг тўла мулки бўлди. Энди уларни бозор иқтисодиётига мослаб бошқаришни ташкил этиш зарур эди. Иқтисодий ислохатлар давомида республикадаги бу йирик корхоналар ўз фаолият соҳаларига қараб ихтиёрий равишда давлат тармоқ уюшмаларига, концернларга, корпарацияларга, холдинг компанияларига айлантирилди. Натижада миллий компаниялар ташкил этилди.

Уюшма—турдош касбга ихтисослашган корхоналарнинг пайчилик асосида тузилган ихтиёрий бирлашмаси. Уюшмани муассислар кенгаши бошқаради. Ислохат йилларида Ўзбекистонда “Ўзавтосаноат”, “Ўзелтехсаноат”, “Ўзкимёсаноат”, Ўзбекипаги, “Ўзагромашсервис”, “Ўзқурилишматериаллари”, “Ўзбексавдо”, “Ўзозиковқатсаноат”, “Ўзгўштсутсаноат” ва бошқа уюшмалар ташкил этилди ва фаолият юритмоқда⁹.

Концерн – илмий техникавий ва ишлаб чиқариш функцияларини марказлаштириш асосида ҳамкорликда фаолият кўрсатадиган, шунингдек инвестициявий, молиявий ва ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширадиган, корхоналарга хўжалик ҳисобида хизмат кўрсатишни ташкил этадиган корхоналарнинг кўнгилли бирлашмаси. Концерн, қоидага кўра, ишлаб чиқариш белгиларига қараб тузилади ва ягона хўжалик мажмуи саналади. Республикамизда “Ўзсувқурилиш”, “Қизилқумнодирметаллолтин”

⁹ Қаранг: Ўша жойда.

давлат концернлари, “Ўзавтойўл” ва “Ўзфармсанот” давлат акциядорлик концернлари ташкил этилди ва ҳозирда фаолият кўрсатмоқда.

Корпорация-мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхоналарнинг акциядорлик асосидаги кўнгилли бирлашмаси. Корпорация таркибига кирган корхоналар ишлаб чиқариш ва илмий-техникавий кооперация орқали ўзаро боғланидилар. Иқтисодий ислохатлар жараёнида республикада “Ўзбекпахтамаш” ва “Ўзавтосаноат” давлат корпорациялари, “Ўздонмахсулот”, “Ўзавтотранс” давлат акциядорлик корпорациялари ташкил этилди ва ҳозирда фаолият юритмоқда¹⁰.

Холдинг компаниялари – корпорация шаклларида бири. Холдинг компанияси таркибига кирувчи акционерлик жамиятлари “акцияларининг назорат пакети” компаниянинг ихтёрида бўлади. Бундан мақсад ягона тармоқ ва илмий-техникавий сиёсат юргизиш, умумий манфаатлар йўлида акционерлик жамиятлари фаолиятлари устидан назорат ўрнатиш ва дивидендлар кўринишида фойда олишдир. Республикада бундай компаниялар “Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг”, “Ўзмевасабзавотузумсанот-холдинг” ва “Ўзбекнефтгаз” миллий холдинг компанияларини киритиш мумкин.

Миллий компания-ноишлаб чиқариш тармоқлари, ижодий жамоалар, транспорт, алоқа ва телекоммуникация корхоналари ва ташкилотларининг пайчилик ёки акционерлик асосидаги кўнгилли бирлашмаси. Ўзбекистонда ташкил этилган ва фаолият юритаётган миллий компаниялар жумласига “Ўзбектуризм” миллий компанияси, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпаниясиникиритиш мумкин.

¹⁰ Усмонов.Қ. “Ўзбекистон тарихи. Миллий истиқлол даври.” Тошкент “Ўқитувчи” 2003-йил. –Б.138-139

1.2. Президент И.А.Каримов республика иқтисодиётининг бош ислохотчиси

Юрбошимиз мамлакатимиз иқтисодиётининг назарий асосларини ишлаб чиққан, амалда ислохотларнинг бошида турган раҳбар ҳисобланади. Президентимиз томонидан яратилган асарларнинг аксарияти Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришга қаратилган. Масалан: “Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда”¹, “Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли”², “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида”³ асарлари ва бошқаларни мисол келтиришимиз мумкин. Бу асарларнинг ўзиёқ И.А.Каримовнинг республика иқтисодиётининг бош ислохотчиси эканлигидан далолат беради. Мустақилликка эришган вақтда иқтисодиётимиз ўта ночор аҳволга келиб қолган эди. Буни Президентимиз “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” номли китобида ва богшқа асарларида батафсил ёритиб берган. “Бугун ўша давр тўғрисидаги ҳақиқатни холисона айтадиган бўлсак, у замондаги ҳаётимизни жаҳон тарихи ва амалиёти билан таққослайдиган бўлсак, шуни очиқ айтиш керакки, у пайтда Ўзбекистон бир ёқлама иқтисодиётга - марказга бутунлай қарам, издан чиққан иқтисодиётга эга бўлган ярим мустамлака мамлакат қаторига айланган эди”⁴ - деган эди президентимиз.

Республикаимиз давлат мустақиллигига эришгандан кейин давлатимиз ва унинг кўп миллатли халқи манфаатларига мувофиқ келадиган мустақил ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга ошириш имконияти туғилди. Бу вақтда республикаимиз олдида ўта муҳим бўлган бир қатор вазифаларни ҳал этиш масаласи турарди. **Биринчидан**, яккаҳоқимлик тизимидан меърос бўлиб қолган салбий оқибатларни бартараф этиш, **иккинчидан** мустақил,

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т., Ўзбекистон, 1999, 6б.

² Каримов И.А. Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Т., Ўзбекистон, 1993, 5б.

³ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т., Ўзбекистон, 1995, 29б.

⁴ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т., Ўзбекистон, 1999, 6б.

демократик жамиятнинг мустаҳкам, пойдеворини яратиш ва ўтиш даврига хос муаммоларни ҳал этиш зарур эди.

Авваламбор, асосий эътибор яккаҳоқимлик тизимининг иллатларини зудлик билан тугатиш, бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик услублари ва директив режалаштиришнинг салбий оқибатларини тугатиш, иқтисодий ва молиявий вазиятни барқарорлаштиришга эътибор қаратилди⁵.

Биз Ўзбекистон иқтисодиётининг тараққиёти йўлида енгил йўлни кидирмадик. Ислоҳ қилишнинг дастлабки босқичларида истеъмол бозорини бир қадар чеклашга мажбур бўлдик. Аини чоғда маблағ ва захираларни иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларга сарфлаб, хорижга маҳсулот тайёрлайдиган, илғор технология базаси билан жиҳозланган замонавий корхоналар барпо этиб, ички бозорда ўз маҳсулотларимиз билан тўлдириш йўлидан бордик.

Шу мақсадлардан келиб чиқиб, ўз маблағларимиз ва олган қарзларимизнинг асосий қисми инвестицияларга, республикага янги технология ва техника келтиришга сарфланди. Истеъмолни эмас, балки инвестицияларни кўпайтирдик. Бугунга келиб Президентимиз юргазган бу сиёсат ўз самарасини бермоқда.

Президентимиз томонидан узоқни кўриб қилинган бу ислоҳатларни нималарда кузатамиз? “Бу - Асака шаҳридаги автомобиль заводи. Бу - Бухоро нефтини қайта ишлаш заводи. Бу - ишга туширишдан иборатдир. Бу – Кўкдумалоқ ва Мингбулоқ конларини ишга солиш, чет эллик шериклар иштирокида ўнлаб тўқимачилик ва ип – йигирув фабрикаларини, Андижон, Қўқон ва Янгийўлда спирт ишлаб чиқарувчи корхоналарни, Хоразм вилоятида қанд заводи, Қизилқум фосфор комбинати, Қорақалпоғистондаги Қўнғирот сода заводи, қуриш, Олмалик ва Навоий кон-металлургия комбинатларини, кимё тармоғи корхоналарини қайта таъмирлаш, ... шаҳар ва қишлоқларни

⁵ Усмонов.Қ. “Ўзбекистон тарихи. Миллий истиқлол даври.” Тошкент “Ўқитувчи” 2003. –109 б.

ободонлаштириш, шунингдек, озиқ-овқат ва маҳаллий саноатга қаршли ўнлаб янги ва замонавий корхоналар демакдир”⁶.

Республикада яккахокимлик, маъмурий-бўйруқбозлик тизимининг амал қилиши иқтисодиётни ночор аҳволга тушириб қўйганди. Иқтисодиётда зиддиятлар кучайиб борди, амалдаги хўжалик юритиш механизми эса мазкур зиддиятларни бартараф этишга ноқобил эди. Бу ҳолат жамият ҳаётида 1960 йиллардаёқ яққол намоён бўла бошлаган эди, ва мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ ўзининг салбий оқибатларини кўрсатаётган эди. Иқтисодиётнинг ривожланиш суръати кескин пасайиб, сарф-харажатлар ортиб борди. Ривожланишнинг иқтисодий воситалари ва омиллари амалда ишламади. Республикамизга хом-ашё етказиб берувчи давлат сифатидаги бир томонлама ёндашув натижасида Ўзбекистон ишлаб чиқаришни техникавий ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражаси бўйича қолоқ давлатлар қаторига тушиб қолганди⁷.

Ана шуларни эътиборга олиб юртбошимиз бош ислохотчилик йўлини тутиб: “Бу йўл ва андаза иқтисодиёти бозор муносабатлари асосига қурилган ривожланган мамлакатларнинг кўп асрлик тажрибасига, шунингдек Ўзбекистон халқининг миллий тарихий мероси, турмуш тарзи, анъаналари ва руҳияти хусусиятларига таяниши лозим”⁸ - деб айтган эди.

Тоталитар тузумдан қолган меъроснинг салбий оқибатларини бартараф этиш учун кенг қамровли ислохотларни амалга ошириш лозим деб қаралди. Бу Президентимиз И.А.Каримов ўзининг «Ўзбекистон – буюк келажак сари» китобида шундай ёзади: «...тоталитар мероснинг оғир оқибатларини тугатиш, иқтисодиётга бозор асосида маданийлик бахш этиш, фаолиятнинг айрим

⁶ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари. – Т.: “Ўзбекистон”, 1997. 193 б.

⁷ Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. – Т.: “Ўзбекистон”. 2001. 90б.

⁸ Каримов И.А. Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Т., Ўзбекистон, 1993. 5б.

соҳаларини ўзгартириш йўли билан эмас, балки кенг миқёсда тубдан яхлит иқтисодий ислоҳот ўтказиш орқалигина эришиш мумкин...»⁹.

Иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда эркин бозор иқтисодиётга эга бўлган демократик жамият барпо этиш пировард мақсад қилиб белгиланди ва бу мақсад йўлидаги устувор вазифаларни босқичма-босқич ҳал этиш лозим деб қаралди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш, иқтисодий муносабатларни янгилаш институционал ўзгаришларни амалга ошириш ва бошқаришнинг тегишли структурасини яратишни талаб этади. Шунинг учун ҳам республикамизда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг биринчи босқичида бошқарув тизимини ислоҳ қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди¹⁰.

Президентимиз раҳнамоларида институционал ўзгаришлар жараёнида бошқарув механизмлари такомиллаштирилиб борилди. Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини бошқариш борасида эса уларнинг хусусиятларига мос келадиган, хўжалик юритувчи субъектларга иқтисодий эркинлик беришга ёрдамлашадиган, ташаббускорлик ва тадбиркорликнинг ривожланишини рағбатлантирадиган ташкилий-ҳуқуқий шакллар вужудга келди¹¹.

Таркибий ўзгаришларни амалга ошириш жараёнида ишлаб чиқаришни марказлаштирилган тартибда режалаштириш ва ташкил этиш, бошқаришнинг иқтисодий механизмаларига ўтиш масаласига айниқса жиддий эътибор қаратилди.

Маълумки ҳар қандай мамлакатда жамиятнинг, давлатнинг характерига мос келадиган, унинг вазифаларини бажариш қобилиятига эга бўлган, ҳокимиятни амалга ошира оладиган давлат органлари мавжуд бўлиши керак. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон ўз давлат мустақиллигига эришгандан сўнг

⁹ Каримов И.А «Ўзбекистон буюк келажак сари».-Т.: Ўзбекистон, 1998 йил. 82-бет.

¹⁰ Каримов.И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий – ижтимоий ва иқтисодий истикболнинг асосий тамойиллари . Тошкент: “Ўзбекистон”. 1995. 36-37б.

¹¹ Каримов.И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиклоли ва тараққиёт йўли . Тошкент: “Ўзбекистон”. 1992. 78б.

давлат органларининг тизими, структураси ва фаолиятини қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштиришга мажбур бўлди¹².

Президентимизнинг раҳнамолигида янги давлат ва бошқарув органлари мустақил Ўзбекистоннинг, янги жамиятнинг характерига тўла мос кела оладиган давлат органларининг тизими такомиллаштирилди. Бунда ўзбек давлатчилигининг ривожланиш тарихига назар ташланди ва миллий анъаналардан фойдаланиш зарурлиги эътироф этилди. Табиийки, республикада бошқарув тизимини шакллантириш, ҳокимиятлар тақсимланиши принципини жорий этиш ўзбек давлатчилигининг тарихий ва миллий хусусиятларини ақс эттирувчи жиҳатларга эга бўлди.

Бошқарув соҳасидаги ўзгаришлар натижасида кўплаб бошқарув органлари бўғинларининг вазифаси ўзгарди, баъзи ўзини оқламаган бошқарув органлари тугатилди ва янги органлар тузилди.

Давлат режа қўмитаси, давлат таъминот қўмитаси, давлат нархлар қўмитаси, давлат агросаноат қўмитаси ва бошқа давлат қўмиталари, вазирликлари тугатилди. Албатта бу қўмиталар фақатгина тугатилиб қолмасдан, уларнинг ўрнига бозорга асосланган янги иқтисодий муносабатларнинг ташаббускорлари ва уларни рўёбга чиқарувчилари сифатида янги бошқариш бўғинлари тузилди.

Нархларни эркинлаштириш шароитида давлат нарх қўмитаси батамом тугатилди. Яккаҳоқим бўлиб олган тақсимот идораси - давлат таъминот қўмитаси ва унинг вориси бўлган Ўзшартномасавдо ўрнига янги бозор структураси - Республика улгуржи ва биржа савдоси акциядорлик уюшмаси тузилди¹³. Юқоридагиларнинг барчаси Президентимизнинг иқтисодиёт соҳасида ҳам бош ислоҳотчи эканлигини кўрсатади.

¹² Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. – Т.: “Ўзбекистон”, 2001. 109б.

¹³ Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. –Т.: “Ўзбекистон”, 2008. –Б.13.

1.3. Республика иқтисодий тараққиётининг ҳуқуқий асослари

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг давлат томонидан бошқарилишига эътибор қаратар қанми, Ўзбекистон ҳукумати қабул қилган қонунлар, фармонлар ва қарорлар республика иқтисодиёти ривожланишининг бош мезони эканлигига ишонч ҳосил қиламиз. 1990-1992 йилларнинг ўзида Ўзбекистон иқтисодиёти ва ташқи иқтисодий алоқаларига бағишланган бир неча қонун ва фармонлар қабул қилинди. Улардан асосийларини санаб ўтадиган бўлсак: «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисидаги қонун»¹ (1991-йил июнь), «Ўзбекистон Республикасида чет эл инвестициялари тўғрисидаги қонун» (1991 йил июнь), «Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисидаги қонун» (1990 йил октябрь), «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида қонун» (1991 й. ноябрь), «Банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун» (1991 й. ноябрь), «Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигини ташкил этиш тўғрисида» Президент фармони (1992 йил февраль), «Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш, хорижий сармояларни жалб этиш ва ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида» Президент фармони (1992 йил июль), «Ўзбекистон Республикасида хорижий сармоялар билан ишлайдиган корхоналар, шу жумладан, қўшма корхоналар халқаро бирлашмалар ва ташкилотлар, шунингдек, уларнинг таркибий бўлимларини ташкил этиш фаолияти ва уларни давлат томонидан рўйхатга олиш тартиби ҳақида» Вазирлар Маҳкамаси қарори (1991 йил ноябр)² халқаро алоқаларни ривожлантиришда ҳуқуқий жиҳатдан муҳим рол ўйнайди.

Бу қонун ва фармонлар турли вазирликлар, корхоналар, ташкилотлар ва шахсларнинг ташқи иқтисодий фаолиятларини йўналтириб турувчи ҳуқуқий ва маъмурий асос бўлиб хизмат қилди, Худди шу қонунлар асосида республика ташқи иқтисодий алоқалари тизимини шакллантириш амалга оширилди. 1985-91 йиллар Ўзбекистон ташқи муносабатларига ўтиш мезонларининг белгилаб

¹ 2000 йилда бу қонун янги таҳрирда қабул қилинди.

² Қаралсин: Ўзбекистон Республикаси: Қонунлар ва фармонлар. Тошкент, : Ўзбекистон, 1992. 3-126 бетлар.

олиниши, ҳарбий хизмат ўташ тартиб қоидаларининг ишлаб чиқиши ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш бўйича ҳокимлик лавозимларининг жорий этилиши ҳамда солиқ инспекциялари тизимининг вужудга келиши ички имкониятларни мустаҳкамлашдан далолат берар эди.

Ўзбекистон Президентининг фармонида кўра Ўзбекистон ССР Ташқи савдо ва хорижий мамлакатлар билан алоқа давлат комитетининг ташкил топиши, республикада ташқи иқтисодий фаолият банки фаолият кўрсата бошлаши ҳамда Ўзбекистон ССРнинг «Ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида» (1911 йил, 14 июнь) қонун қабул қилиниш³ Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий муносабатлари ривожланишига катта имкониятлар яратди. Ўзбекистон ССР Ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисидаги қонун асосан 4 бўлимдан иборат бўлиб, Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш, Ташқи иқтисодий фаолиятнинг давлат томонидан тартибга солиниши, унинг субъектлари ҳуқуқларининг кафолати ва уларнинг жавобгарлиги қоидаларига алоҳида эътибор қаратади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг «Ўзбекистон Республикасида чет эл инвестициялари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги фармони» (1992 йил 2 июль)⁴, «Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятини рағбатлантириш, хорижий сармояларни жалб этиш ва ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги фармони (1992 йил, 25 июль), Ўзбекистон Республикасининг халқаро валюта фонди, Европада Тиклаш ва Тараққиёт Банки, Европа ривожланиш халқаро ассоциацияси (1992 йил, сентябрь), «Халқаро молия корпорациям, кўп томонлама сармоя ажратишни кафолатловчи агентликка аъзолиги тўғрисида»ги (1992 йил, 24 июль) қонунлари⁵ Ўзбекистон Республикасининг тенг ҳуқуқлик асосида жаҳон ҳамжамияти таркибига кириши зарур эканлигини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикасининг халқаро молия ташкилотларига кириши, бу ташкилотларга аъзо бўлишининг ҳамда уларнинг имкониятларидан республикани

³ Халқ сўзи. 1991 й. 18 июл.

⁴ Халқ сўзи. 1992 . 4 август.

⁵ Халқ сўзи. 1992 . 25 июль.

ривожлантириш учун фойдаланилиши муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хужалигида иқтисодий ислоҳатни янада чуқурлатиш чоралари тўғрисида»ги қарори⁶ ҳам пахтага давлат буюртмасини камайтириш, буюртмадан 20% ва буюртмадан ортиқчаси хўжаликларга мустақил равишда эркин бозор нархларида сотишдек имкониятларни вужудга келтирди. Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг «1992 йил ва 1993 йил ҳосилидан олинган пахта толасини сотишни тартибга солиш тўғрисида»ги қарори⁷ (1993 йил, 21 октябрь), «Ўзшартномасавдо» ва «Ўздавпахтасаноатсотиш» ташкилотларига ҳукуматлараро битимларга мувофиқ етказиб бериладиган пахта толасининг ҳаммасини чет элга чиқариш ва эркин алмаштириладиган валютага сотиш учун етказиб бериладиган пахта толасидан ташқари кредит-нақт пулсиз ҳисоб-китоб қилиш асосида сотиш ва республика учун озиқ-овқат ҳамда хом ашё келтиришга қарор қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги»⁸ Фармони ҳам мамлакат ички имкониятларини мустаҳкамлашга хизмат қилди. «Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасини муомалага киритиш тўғрисидаги» Президент Фармони, Ўзбекистан Олий Кенгашининг 1993 йил 3 сентябрдаги 952-12 сонли қарорига мувофиқ 1994 йил 1 июлдан бошлаб кучга кириши республикада иқтисодий барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қилди.⁹ Шунингдек, бу борада «Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида»ги Қонун¹⁰ ҳам ҳуқуқий асослар ҳисобланади.

⁶ Халқ сўзи. 1993 . 9 январь.

⁷ Ўзбекистон овози, 1993 , 23- октябрь.

⁸ Ўзбекистон овози, 1994 , 22-январь.

⁹ Халқ сўзи. 1994 , 18-июнь.

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий тамойиллари» тўғрисидаги Қонун. -Т., 1996.

Бундан ташқари 1995 йил 21 декабрда Олий Мажлиснинг IV сессиясида «Ўзбекистон Республикаси Маказий Банки тўғрисида»ги Қонуни абул қилинди. Бу ҳуқуқий ҳужжат Халқаро Валюта Фонд ива Жаҳон Банки томонидан юқори баҳоланди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1998 йил 30 апрельда «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги, «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги, «Хорижий инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида», «Банкротлик тўғрисида»ги (1998 йил), «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги (2000 йил) Қонунлари қабул қилинди. Бу ҳуқуқий ҳужжатлар ташқи иқтисоди алоқаларни амалга ошириш, ташқи иқтисодий фаолият соҳасида халқаро шартномалар тузиш ва уларни бажариш учун шарт-шароитлар яратди.

Хуллас, Мустақиллигимизнинг дастлаб йилларидаёқ мамалакатимиз иқтисодий тараққиётининг ҳуқуқий асослари яратилди ва мазкур қонунлапр давр талабига мос равишда такомиллаштирилиб борилмоқда.

II БОБ. РЕСПУБЛИКА САНОАТНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ЖАРАЁНИ

2.1. Маҳаллий саноат тараққиётининг ўсиши жараёни

Мустақиллик йилларида республикамиз маҳаллий ва енгил саноат соҳасига катта эътибор қаратилди. 1991 йил май ойида Тошкент, Фарғона, Бухоро тўқимачилик комбинатлари, Андижон ва Нукус ип-газлама комбинатлари, улар тасарруфидаги кичик ва ўрта корхоналарни бирлаштирган “Ўзбекенгилсаноат” давлат уюшмаси ташкил этилди. Бу уюшма, бир томондан, мавжуд корхоналарни аксиядорлик жамиятлари сифатида қайта ташкил этди, уларни таъмирлаш, янги техник жиҳозлар билан қайта қуриш орқали маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш тadbirlarини амалга оширди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1996-йил апрель ойида “Маҳаллий ва енгил саноатни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тadbirlari тўғрисида” Қарор қабул қилди¹. “Бухоротекс” аксиядорлик жамияти 1994 йилда ўз маблағлари ҳисобидан Швейцариянинг “Ритер” фирмасидан 2592 та йиғирув ғалтаги қувватига эга бўлган ускуналар сотиб олди. 1996-йилда эса Швейцариядан жалб этилган 5 млн. швед франкига иккинчи йиғирув мажмуи сотиб олиб корхонани жиҳозлади. Натижада 1997- йилда 1000 тонна калава ип ишлаб чиқаришга эришди.

Иккинчидан, давлат уюшмаси томонидан республикамиздаги бой хом ашёларни, биринчи навбатда пахта толасини қайта ишлаб тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи янги корхоналар барпо этиш ҳар томонлама қўллаб-қувватланди.

Қарорга мувофиқ тармоқ бўйича 35 та инвестиция лойиҳалари ишлаб чиқилди ва уларни амалга ошириш жараёнида 152 млрд. сўм, шу жумладан, 644,4 млн. АҚШ доллари ҳажмида чет эл сармоялари ўзлаштирилди. Натижада 1996—2001 -йилларда Жанубий Корея иштирокида “Кобул—Ўзбек Ко” қўшма корхонасига бирлашган Тўйтепа ва Тошкент шахрининг Кўкча мавзесида 2 та йирик қўшма корхона, “Кобул—Фарғона Ко” қўшма корхоналари қурилиб ишга туширилди. Туркия тўқимачилик компаниялари иштирокида Нукус шаҳрида “Катекс” тўқимачилик мажмуаси, Наманган

¹ O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining “Mahalliy va yengil sanoatni davlat tomonidan qo‘llab-quvvatlash tadbirlari to‘g‘risida” qaror. 1996-yil aprel.

вилоятида “Аснамтекстил”, “Тап-фен”, “Косонсой-Текмен”, “Атлас-Мен”, Қашқадарё вилоятида “Қаштекс”, “Оқсарой-тўқимачи” кўшма корхоналари барпо этилди².

Германия сармоядорлари билан ҳамкорликда 1998- йилда Андижонда “Антекс”, Фарғона вилоятининг Ёзёвон туманида “Пфафф-Зингер” кўшма корхоналари қурилди. 1999- йилда Хўжабод туманида тикув ва трикотаж буюмлар ишлаб чиқарадиган “Тян-Дин-Ду” Ўзбекистон—Хитой кўшма корхонаси, 2000-йилда йилига 3800 тонна калава ип ишлаб чиқарадиган “Қоракўлтекс” Ўзбекистон—Америка кўшма корхонаси барпо этилди. 2002-йилда Республика тўқимачилик саноатида 17 та кўшма корхона фаолият кўрсатди. Тармоқ бўйича 32 мингдан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилди³.

2002- йил бошларида “Ўзбекенгилсаноат” давлат уюшмасига бирлашган 15 та кичик ва 102 та йирик корхоналар пахта толасини қайта ишлаб йилига 130 минг тонна йигирилган ип, 50 млн. квадрат метр газлама, 2,5 млн. квадрат метр гилам, 62 млн. дона трикотаж масулотлари, 32 млн. жуфт пайпоқ, турли хил тикувчилик буюмлари ишлаб чиқариш қувватига эга бўлди⁴.

Агар 1991- йилда республикада пахта толасини қайта ишлаш 12 фоизни ташкил етган бўлса, 2001- йилда бу рақам 24 фоизга этди. Чет элларга калава ип, пахта ва шойи газламалар экспорт қилишга эришилди.

Республикада қоғоз танқислиги муаммосини ҳал қилишга қаратилган заводлар қурилди. Наманганда барпо этилган “Наманган қоғози”, Янгийўлда қурилган “Ўзбек қоғози” кўшма корхоналари шулар жумласидандар.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2001-йил 20-июндаги “Республика қоғоз саноатини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари

² Жўраев Н., Файзуллаев Т. Мустақил Ўзбекистон тарихи. Ўзбекистоннинг янги тарихи. –Т.: “Шарк”, 2009. 3-жилд. 6-боб.

³ Жўраев Н., Файзуллаев Т. Мустақил Ўзбекистон тарихи. Ўзбекистоннинг янги тарихи. –Т.: “Шарк”, 2009. 3-жилд. 6-боб.

⁴ Жўраев Н., Файзуллаев Т. Мустақил Ўзбекистон тарихи. Ўзбекистоннинг янги тарихи. –Т.: “Шарк”, 2009. 3-жилд. 6-боб.

тўғрисида“ги қарорига асосан “Ўзбекқоғозсаноат” уюшмаси ташкил этилди⁵. Унинг таркибига “Саноатқалинқоғозсавдо”, “Ўзбек қоғози” очик акциядорлик жамиятлари, Янгийўл селлюлоза-қоғоз фабрикаси, “Наманганқоғоз” кўшма корхонаси ва бошқалар киради. “Ўзбек қоғози” корхонаси йилига 11 минг тонна қоғоз, 3,5 минг тонна картон, 7,5 млн. дона умумий ва 65 миллионта ўқув дафтари ишлаб чиқармоқда. Янгийўл селлюлоза-қоғоз фабрикаси йилига 20 минг тонна пахта селлюлозаси, 12 минг тонна юқори сифатли ёзув қоғози ишлаб чиқармоқда⁶.

Мамлакатимизда пояфзал маҳсулотлари ва чинни идишлар, турли хил истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш жадал ривожланмоқда.

Қурилиш материаллари саноати базаси мустақамланиб, осмонўпар бинолар, уй-жой қурилиши кенгайди.

Транспорт ва алоқа Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда транспорт тизими — темир йўли, автомобил йўли, авто, қувур ва сув транспорти ривож топди.

Ўзбекистон Марказий Осиёни Эрон ва Туркия билан боғлайдиган Тажан-Серакс-Машад темирйўли қурилишида ўз қурувчилари, сармоялари, техника воситалари билан фаол қатнашди. Узунлиги 295 км бўлган мазкур темирйўл 1996-йил май ойида қурилиб ишга туширилди. Натижада Ўзбекистон ўз маҳсулотларини Форс кўрфазигача, Туркиягача, кейин Европа мамлакатларига етказиш имкониятига эга бўлди⁷.

Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан истиқлолнинг дастлабки оғир йилларида мамлакатимиз ҳаётида беқиёс аҳамиятга эга бўлган, Қизилқум ва Устюрт чўлларида жойлашган шаҳар ва қишлоқларни ижтимоий жиҳатдан ривожлантиришга хизмат қиладиган Навоий-Учкудук-

⁵ O'zbekiston Respublika Vazirlar Mahkamasining "Respublika qog'oz sanoatini boshqarish tuzilmasini takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarori. 2001-yil 20-iyun.

⁶ O'zbekiston Respublika Vazirlar Mahkamasining "Respublika qog'oz sanoatini boshqarish tuzilmasini takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarori. 2001-yil 20-iyun.

⁷ Жўраев Н., Файзуллаев Т. Мустақил Ўзбекистон тарихи. Ўзбекистоннинг янги тарихи. –Т.: “Шарқ”, 2009. 3-жилд. 6-боб.

Султон Увайсто-Нукус йўналишида темир йўли қуриш билан боғлиқ ишлар бошланди.

1992-1993- йилларда темир йўли қурилишининг техник иқтисодий лойиҳаси ишлаб чиқилди. 1994-2002- йилларда лойиҳа қиймати 38,9 млрд. сўмни ташкил этган 342 км узунликдаги Навоий - Учудуқ-Султон Увайсто-Нукус темир йўли қурилиб фойдаланишга топширилди. 2001- йил 23 - март куни мазкур йўналиш бўйича дастлабки юк поезда, 2002- йил 22- август куни йўловчи поезда ҳаракатлари бошланди. Мискин, Тўрткўл, Эллиққалъа, Қораўзақ, Берунийда янги замонавий вокзаллар, ўнлаб янги бекатлар, соҳа ходимлари учун турар жой бинолари бунёд этилди. Нукус, Учқудуқ темир йўл вокзаллари тўлиқ қайта таъмирланди. 1750 та янги иш ўринлари яратилди⁸.

Бу эса Ўзбекистонда ягона темир йўл тизимини барпо этиш, минтақадаги фойдали қазилма конларини комплекс ўзлаштириш, катта миқдордаги валюта маблағларини ишлаб топиш ва тежаш, одамларнинг узоғини яқин қилиш билан бирга, кўплаб янги иш ўринларини очиш, шаҳар ва қишлоқларда йирик **саноат корхоналарини** бунёд этиш, энг муҳими, жойларда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш имконини беради.

Ўзбекистонда ягона темир йўл тизимини барпо этишда яна бир муҳим аҳамиятга эга бўлган Ғуздор-Бойсун-Қумқўғон темир йўли жадаллик билан қурилмоқда. Термиз шаҳрида янги вокзал, Тошкентда вагонларни таъмирлаш заводи қурилиб ишга туширилди.

Мустақиллик йилларида Тошкент метроси қурилиши ҳам жадал суръатда ўсди. Тошкент метроси узоқ йиллик тарихга эга. 1971-1977- йилларда Тошкент метросининг Чилонзор йўналиш 1984-1991 - йилларда Ўзбекистон йўналиши қурилиб ишга туширилган эди. “Тошметролойиҳа” институти 1992- йилда Тошкент метросининг 9 та бекатдан иборат Юнусобод йўналишини қуришнинг техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқди ва қурилиш ишлари олиб борилди. 2001- йил августда Юнусобод

⁸ I. A. Karimov. “Navoiy-Uchquduq-Sulton Uvaystog-Nukus temiryoli bunyodkorlariga“ tabrigidan.

йўналишининг 6 та бекатдан иборат биринчи қисми — “Мингўрик”, “Юнус Ражабий”, “Абдулла Қодирий”, “Минор”, “Бодомзор” ва “Ҳабиб Абдуллаев” бекатлари фойдаланишга топширилиб, йўловчи ташиш йўлга қўйилди. Уларни барпо этиш учун 38 млрд. сўм харажат қилинди⁹.

Тошкент метроси ҳар куни 370—380 минг йўловчига хизмат кўрсатади. 2001-йилда метрополитендан жами 142 миллиондан ортиқ киши фойдаланди. Тошкент метроси тинч ва осойишта халқимизнинг юкини енгил, олисини яқин қиладиган тезкор ва ишончли йўлга айланди.

Автомобил йўллари қурилиши жадал олиб борилди. 1991-2001-йилларда 727 км. узунликдаги автомобил йўллари, 460 та кўприк ва йўл ўтказгичлар, 4000 га яқин автопавильон қурилди. Шаҳар ва қишлоқлардаги ички йўллар таъмирланди. Тошкент—Ўш халқаро йўлининг Ангрендан то Фарғона водийсига кириб боргунча қисми барпо этилди. Бу йўналишда Қамчи ва Резак давонларида автомобил қатнови учун мўлжалланган туннеллар қурилди. Катта Ўзбек йўли, Тошкент—Олмалиқ йўли таъмирланди. Тошкентда узунлиги 32 км бўлган Тошкент кичик халқа йўли қурилди¹⁰.

Ўзбекистон Буюк ипак йўлини тиклаш масадида Европа—Кавказ—Осиё транспорт йўлаги (ТРАСЕКА)ни барпо этишда фаол қатнашмоқда. Узунлиги 2294 км. дан иборат бўлган “Андижон-Тошкент-Нукус-Қўнғирот” автомагистрали ТРАСЕКАнинг бир қисми бўлиб, жадаллик билан қурилмоқда.

Мазкур автомагистралнинг энг мураккаб қисми ҳисобланган 100 км.лик тоғлик қисми Ангрен—Ҳонобод шаҳарлари ўртасидаги автйўл, Қамчиқ ва Резак давонларида автомобил қатнови учун туннеллар қурилиб фойдаланишга топширилди. Бу магистралнинг қуриб битказилиши Ўзбекистон учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб, республикамизнинг Шарқ ва

⁹ Жўраев Н., Файзуллаев Т. Мустақил Ўзбекистон тарихи. Ўзбекистоннинг янги тарихи. –Т.: “Шарқ”, 2009. 3-жилд. 6-боб.

¹⁰ Каримов И.А. «Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура».-Т.1.-Т.: «Ўзбекистон», 1996. - Б.336-339.

Ғарб мамлакатлари билан савдо, иқтисодий ва маданий алоқаларини янада ривожлантиришга қулай имконият яратади.

Мамлакатимизда ҳаво транспортини ривожлантириш мақсадида 1992-йил 28-январда “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпанияси ташкил этилди. Компания Ўзбекистонни дунёнинг йирик шаҳарлари билан авто йўллари орқали боғлаш, авиа майдонини “А-310”, “Боинг-757”, “Боинг-767”, “РЖ-85” каби ўта замонавий ҳаво кемалари билан тўлдириш тадбирларини амалга оширди.

Тошкент аэропорти кутиш зали, Бухоро, Самаранд ва Урганч аэропортлари, учиш-қўниш йўлаклари халқаро стандартлар даражасида қайта таъмирланди.

Мухтасар айтганда, мустақиллик йилларида мамлакатимиз саноатида амалга оширилган туб таркибий ўзгаришлар, янги корхоналарнинг бунёд этилиши самарали натижалар берди. 1991—2002-йилларда 1872 корхона ва бошқа ишлаб чиқариш муассасалари қурилди, маҳсулотнинг 9,5 мингдан ортиқ янги маҳаллий турларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Республикамизда 1991-йилда ишлаб чиқарилган маҳаллий саноат маҳсулотлари ҳажмини 100 фоиз деб олсак, ундан кейинги йилларда камайиб, 1992-йилда 94,7 фоизга, 1993-йилда 98,1 фоизга тушган эди. 1995-йилга келиб макроиқтисодиётда барқарорликка эришилди ва 1996-йилдан бошлаб изчил ўсиш таъминланди. 1996-2001 йилларда маҳаллий саноат масулотлари ишлаб чиқариш 36 фоизга ўсди¹¹.

2.2. Миллий автомобилсозлик ва машинасозлик тараққиётининг одимлари

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда саноат тармоқлари жадал ривожланди. Жумладан, **Машинасозлик саноати**. Республикамиздаги

¹¹ Каримов И.А. «Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура».-Т.1.-Т.: «Ўзбекистон», 1996. - Б.336-339.

мавжуд бўлган бир неча ўнлаб машинасозлик корхоналарини таркибий жиҳатдан қайта қуриш мақсадида 1993-йилда Ўзбекистон давлат машинасозлик корхоналари уюшмаси — „Ўзмашсаноат“, 1996-йилда “Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг”, 1998 - йилда “Ўзнефтгазмаш” корпорацияси, “Ўзбектўқимачимаш” бирлашмаси ташкил этилди.

Мустақиллик йилларида “Ўзмашсаноат” уюшмаси тасарруфидаги 35 та корхонанинг 26 таси таъмирланиб, янги техник ускуналар билан қайта қурилди. Тошкентдаги экскаватор, подёмник, зенит, компрессор, асбобсозлик, агрегат ва образив заводлари, Андижондаги „Андижонирмаш“ ва Топоз, Самарқанддаги Киноп, Сино ва бошқалар шулар жумласидандир. Уларда экскаваторлар, кўтарма кранлар, компрессорлар, пахтани қайта ишлаш агрегатлари, тўқимачилик дастгоҳлари, автоматика воситалари, музлатгичлар, мебелга ишлов бериш ускуналари, уй-рўзғор буюмлари ва бошқа техник жиҳозлар ишлаб чиқарилмоқда¹.

14 та қишлоқ хўжалик машинасозлиги корхонасини, 9 та қўшма корхона ва 13 та минтақавий техник марказни бирлаштирган „Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг“ компанияси замонавий машиниларни мустақил ишлаб чиқаришни ўзлаштириб олди².

Уларда пахта терувчи машинилар, пахта чигитини аниқ экадиган сеялкалар, пахтани қоп-қанорсиз ташийдиган ағдаргич тиркамалар, суғориш машиналари ишлаб чиқарилмоқда. Бу компания тасарруфидаги “Тошкент трактор заводи” акциядорлик жамияти 2000-йилда 954 та, 2001 - йилда 1002 та Ўзбекистон шароитига мослашган янги тракторлар ишлаб чиқарди. 1998-йилда у „Америка мобил групп“ фирмаси билан ҳамкорликда қўшма корхона барпо этиб, Ўзбекистон — Хитой лойиҳаси асосида 22 ва 23 от кучига эга бўлган икки турдаги мини тракторлар ва уларга ускуналар комплектларини

¹ I. A. Karimov. „Yangicha fikrlash va ishlash — davr talabi“. 5- jild, T., O'zbekiston, 1997, 74—78-betlar.

² Каримов.И.А. “Ўзбекистон буюк келажак сари”. Т. Ўзбекистон.1998-йил. –Б.254-255

ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Бу ихчам тракторлар фермер ва деҳқон хўжаликлари фаолиятида кенг қўлланилмоқда³.

1994-йилда „УзИзмаш“ Ўзбекистон—Исроил қўшма корхонаси барпо этилиб пахта териш машиналарининг горизонтал шпинделли янги авлоди яратилди. Бу машиналар тик шпинделли машиналарга нисбатан пахта теришга қулай ва самарадор, таннархи арзон бўлиб, жаҳон машинасозлигининг энг янги ютуғи бўлди. Қишлоқ хўжалик машиналарини „Кейс“ русумидаги трактор ва ғалла ўриш комбайнлари билан тўлдириш мақсадида АС „Кейс Нью-Холланд“ компанияси сармоялари иштирокида „ЎзКейсмаш“ ва „ЎзКейстрактор“ қўшма корхоналари барпо этилди. Уларда замонавий тракторлар ва комбайнлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. „Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг“ компанияси 2001 - йилда 48,2 млрд. сўмлик товар маҳсулотлари ишлаб чиқарди⁴.

Авиация ишлаб чиқариш давлат акциядорлик жамиятига бирлашган корхоналар ҳам ривожланмоқда. Унинг бош корхонаси В.Чкалов номидаги Тошкент авиация заводида 4 та русумдаги юк ва йўловчи ташийдиган **“ИИ-114, “ИИ – 114 Т”, ИИ – 76 МФ, “ИИ – 76 ТФ”** самолётларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Юк ташиш бўйича дунёда энг қулай **деб** эътироф этилган **“ИИ-76”** русумли 900 та самолёт ишлаб чиқарилди⁵.

Мустақиллик йилларида металлургия, олтин қазиб олиш саноати илдам қадамлар билан ўсди.

Олмалик кон-металлургия комбинати, Бекободдаги металлургия заводи, Зарафшондаги 2-гидрометаллургия заводи, Чирчиқдаги қийин эрувчан ва ўтга чидамли металл комбинати қайта таъмирланди. Бекобод металлургия комбинатида йилига 100 минг тонна пўлат шар ва металл прокат тайёрловчи янги қувватлар ишга туширилди. Учқудуғда 3 та гидрометаллургия заводи барпо этилди. Американинг „Нюмонт майнинг“ компанияси иштирокида Навоий тоғ-металлургия комбинати чиқитларидан олтин ажратиб олиш

³ I. A. Karimov. „Yangicha fikrlash va ishlash — davr talabi“. 5- jild, T., O'zbekiston, 1997, 74—78-betlar.

⁴ I. A. Karimov. „Yangicha fikrlash va ishlash — davr talabi“. 5- jild, T., O'zbekiston, 1997, 94—98-betlar.

⁵ I. A. Karimov. „Yangicha fikrlash va ishlash — davr talabi“. 5- jild, T., O'zbekiston, 1997, 74—78-betlar.

бўйича „Зарафшон—Нюмонт“ кўшма корхонаси қурилиб ишга туширилди⁶. 1991—2001-йилларда республикада олтин қазиб олиш ҳажми 1,7 баравар ўсди. Биргина “Зарафшон— Нюмон” кўшма корхонаси 1995—2002-йилларда 100 миллион тонна рудани қайта ишлаб, 100 тонна юқори сифатли олтин ишлаб чиқарди⁷.

Электроэнергетика саноати анча ривожланди. „Ўзбекэнерго“ давлат акциядорлик компанияси мустақиллик йилларида иссиқлик ва гидравлик электр станцияларини таъмирлаш ва улар таркибида янги блоклар барпо этиш ишларини амалга оширди. Сирдарё, Янги Ангрен, Тошкент, Навоий ГРЭСлари энергетика блокларида технологик жараёнларни бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимлари ишга туширилди.

Германиянинг „Сименс“ фирмаси, Европа тикланиш ва тараққиёт банки ажратган кредит ҳисобидан Сирдарё ГРЭСининг 8 та блоки таъмирланди. 2001- йилда 37 та иссиқлик ва гидравлик электр станцияларидан иборат Ўзбекистон энергетика тизими 55 млрд. киловатт-соат ёки 1992- йилга нисбатан 10 фоиз кўп электр энергияси ишлаб чиқарди. Ўзбекистон энергетика тизими республика халқ хўжалиги ва аҳолисини электр энергиясига бўлган этиёжини тўла-тўқис таъминламоқда, итисодиётни янада ривожлантиришга улкан ҳисса қўшмода. Шунингдек, Ўзбекистон электр энергияси Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Афғонистонга ҳам узатилмоқда⁸.

Автомобилсозлик саноати. Юртбошимиз ташаббуси билан Ўзбекистонда автомобил ишлаб чиқарувчи кўшма корхона барпо этиш мақсадида Жанубий Корея Республикасининг „DAEWOO“ корпоратсияси раиси Ким У Жунг билан музокаралар олиб борилди.

1992-йил 24- августда Тошкентда Жанубий Кореянинг „ДЕУ“ корпоратсияси ва Ўзбекистоннинг „Автоқишхўжмаш“ давлат концерни ўртасида Андижон вилоятининг Асака шаҳрида йилига 180 минг автомобил

⁶ Каримов.И.А. „Ўзбекистон буюк келажак сари“. Т. Ўзбекистон.1998-йил. –Б.254-255

⁷ I. A. Karimov. „Yangicha fikrlash va ishlash — davr talabi“. 5- jild, T., O'zbekiston, 1997, 74—78-betlar.

⁸ I. A. Karimov. „Yangicha fikrlash va ishlash — davr talabi“. 5- jild, T., O'zbekiston, 1997, 94—98-betlar.

ишлаб чиқарадиган „ЎзДАЕВООавто“ қўшма корхонасини куриш тўғрисида шартнома имзоланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1992-йил 5-ноябрда Асака шаҳрида „ЎзДАЕВООавто“ корхонаси ташкил қилиш тўғрисида қарор қабул қилди. Уни таъсисчилари этиб „ДАЕВОО корпаратцияси ва “Ўзавтосаноат” уюшмаси, ҳар икки тарафнинг қўшма корхонадаги улуши тенг миқдорда 50% дан иборат қилиб белгиланди⁹.

1993-йил март ойида „ЎзДАЕВООавто“ қўшма корхонаси рўйхатга олинди ва умумий миқдори 658 млн. АҚШ доллари ҳажмидаги курилиш ишлари бошланди. Корхона курилишига илғор технологиялар, тажрибали муҳандислар, Ўзбекистонлик ёшлар жалб қилинди. 1000 дан ортиқ Ўзбекистонлик ёшлар Жанубий Кореяга бориб „ДАЕВОО“ компаниясида ишлаб, автомобил ишлаб чиқариш тажрибаларини ўрганиб қайтиб келдилар¹⁰.

“ЎзДАЕВООавто” қўшма корхонасининг биринчи навбати 1996-йил март ойида ишга туширилди. 1996-йил март ойида “Дамас”, июн ойида “Тико”, июл ойида “Нексия” русумли автомобилар ишлаб чиқариш бошланди.

1996-йил 19-июлда корхонанинг расмий очилиш маросими бўлди, унда Президент Ислон Каримов қатнашди ва „ЎзДАЕВООавто“ қўшма корхонаси курилишида фаол қатнашганларга миннатдорчилик билдирди.

“ЎзДАЕВООавто” қўшма корхонаси 1996- йилда 25,3 мингта, 1998-йилда 54,4 мингта, 1999-йилда 58,4 мингта “Дамас”, “Тико”, “Нексия” русумли автомобиллар ишлаб чиқарди. Ўзбекистон дунёда автомобил ишлаб чиқарувчи 28 мамлакатдан бирига айланди¹¹.

Ўзбекистон ҳукумати “ЎзДАЕВООавто” қўшма корхонасига бутловчи қисмлар тайёрловчи корхоналар куриш тадбирларини амалга оширди. Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг 1995- йил 30-майда қабул қилинган “Автомобиллар учун бутловчи буюмлар ишлаб чиқарадиган Ўзбекистон—

⁹ I. A. Karimov. „Yangicha fikrlash va ishlash — davr talabi“. 5- jild, T., O‘zbekiston, 1997, 74—78-betlar.

¹⁰ I. A. Karimov. „Yangicha fikrlash va ishlash — davr talabi“. 5- jild, T., O‘zbekiston, 1997, 74—78-betlar.

¹¹ Каримов И.А. «Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура».-Т.1.-Т.: «Ўзбекистон», 1996. - Б.336-339.

Корея қўшма корхоналарини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори муҳим аҳамиятга эга бўлди. Қарорга мувофиқ „ЎзДАЕW00авто“ учун бутловчи қисмлар тайёрлайдиган корхоналар тизимини яратишни маҳаллийлаштириш дастури ишлаб чиқилди ва қурилиш ишлари бошланди. 1996-2001-йилларда лак-бўёқлар, автомобил ўриндиқлари, ички жиҳозлари, электр кабеллари, шиналар, дисклар, тобланган ойналар, товуш пасайтиргичлари, ёқилғи баки, бамперлар ва боқша бутловчи қисмлар ишлаб чиқарувчи “Ўз-Донг Ко”, “Ян Ко”, “Ўз- Сем Юн Ко”, “Ўз-Донг Вон Ко”, “Ўз-Тонг Хонг Ко”, “Ўз-Карам Ко” каби 30 га яқин янги қўшма корхоналар, ишлаб чиқариш қувватлари барпо этилди. “ЎзДАЕW00авто” заводи учун зарур бўлган бутловчи қисмларнинг 20% дан ортиғи Ўзбекистонда тайёрланмоқда. “ЎзДАЕW00авто”, унинг таркибидаги корхона ва иншоотларни барпо этиш учун 2000- йилгача 600 млн. АҚШ доллари ўзлаштирилди¹².

1999-йил октябрда Жанубий Кореядаги йирик “Эксимбанк” билан “ЎзДАЕW00авто” заводини молиявий жиҳатдан қўллаб- қувватлаш бўйича битим тузилди ва “ДАЕW00мотор” компанияси билан ҳамкорликда “ЎзДАЕW00авто” заводида “Матиз” ва “Нексия-2” русумли автомобиллар ишлаб чиқаришга киришилди.

2001- йил августда “ЎзДАЕW00авто” заводида янги линия барпо этилиб халқаро андозаларга тўла жавоб берадиган, бар томонлама қулай, илғор дизайн ва техник афзалликлари билан ажралиб турадиган “Матиз” русумли янги автомобил ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. 2002-йилда яна бир линия барпо этилиб, “Нексия” автомобилининг янги моделини ишлаб чиқариш бошланди.

Шундай қилиб, “ЎзДАЕW00авто” қўшма корхонасининг мустақкам пойдевори яратилди. Ўтган олти йил давомида 296,5 мингта автомобил

¹² Каримов И.А. «Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура».-Т.1.-Т.: «Ўзбекистон», 1996. - Б.336-339.

тайёрланди, уларнинг 58 мингтаси хорижий мамлакатларга экспорт қилинди¹³.

“ЎздаЕWOOавто” заводига 2000-йил январда “ИСО-9001” сертификати берилди ва у МДХ мамлакатларидаги енгил автомашина ишлаб чиқарувчилар орасида Халқаро сифат тизимидан фойдаланувчи биринчи корхона бўлди.

Самарқанд шаҳрида яна бир автомобил заводини қуришга киришилди. 1995-йилда “Ўзавтосаноат” уюшмаси билан Туркиянинг “Кочхолдинг” компанияси ўртасида автобус ва юк машиналари ишлаб чиқарувчи “СамКочавто” қўшма корхонасини барпо этиш ҳақида битим тузилди. 1996-йилда “СамКочавто” қўшма корхонаси рўйхатга олинди ва қурилиш ишлари бошланди. Машиналар лойиҳасини ишлаб чиқишда халқ хўжалигининг барча соҳаларида фойдаланиш учун қулай бўлишини таъминлаш мақсадида Италия—Испания қўшма корхонаси “Ивеко”нинг ихчам конструкциялари асос қилиб олинди ва “Кочхолдинг” компанияси аъзоси —“Отайўл” заводида Ўзбекистон шароитига мослаб такомиллаштирилди.

1999 йил март ойида “СамКочавто” қўшма корхонаси ишга туширилди. Ўша йили фойдаланишга қулай, ихчам 163 та автобус ва 302 та юк автомобили, 2000- йилда эса 483 автобус ва 102 та юк автомобили ишлаб чиқарилди. Республика аҳолиси учун “Отайўл” русумли автобуслар асосий транспорт воситасига айланди¹⁴.

2001 йилда Ўзбекистон автомобилсозлик саноатида банд бўлган ишчи ва хизматчилар сони 14 мингтага етди. Энг муҳими, Ўзбек автомобилсозларининг бутун бир авлоди шаклланмоқда.

Ўзбекистонда нефть ва газ ишлаб чиқариш билан бир қаторда **кимё саноати** ҳам ривожланди. Тошкент, Самарқанд, Андижон, Фарғона, Чирчиқ, Навоий, Олмалиқ каби шаҳарлардаги **кимё саноати** корхоналари қайта

¹³ Каримов И.А. «Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура».-Т.1.-Т.: «Ўзбекистон», 1996. - Б.336-339.

¹⁴ Каримов И.А. «Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура».-Т.1.-Т.: «Ўзбекистон», 1996.-Б. 333-334.

таъмирланди. Қизилқум фосфорит комбинати, Кўнғирот сода заводи, Кўкон ва Янгийўл биокимёвий заводлари барпо этилди. **Республика кимё саноати қишлоқ хўжалиги учун** минерал ўғитлар, экинларни зараркунандалардан сақловчи кимёвий моддалар, сунъий толалар, бўёқлар, полиэтилен, аҳолининг кундалик турмушида керак бўладиган маҳсулотлар ишлаб чиқармоқда.

Шўртан газ-кимё мажмуаси **Ўзбекистон кимё саноатининг** фахри ҳисобланади. 1995- йил октябрда Ўзбекистон билан АҚШнинг “АББ Луммус Глобал” компанияси ўртасида Шўртан газ-кимё мажмуасини қуриш бўйича битим тузилган эди. Тезда қурилиш-монтаж ишлари лойиҳаси ишлаб чиқилди. 1997-2001-йилларда АҚШ, Германия, Япония, Италия ва бошқа давлатларнинг нуфузли компаниялари иштирокида қурилиш ишлари амалга оширилди. Шўртан газ-кимё мажмуаси қурилишида 1 млрд. АҚШ доллари ҳажмида инвестиция ўзлаштирилди.

2.3. Халқаро иқтисодий алоқаларда Ўзбекистон саноатининг ўрни

Ўзбекистон 1991 йил 31 августда ўз мустақиллигини кўлга киритгач, ўз истиқлол ва тараққиёт йўлини белгилаб олди. Бу йўл иқтисодий ислохотлар жараёнида бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш ва шунинг асосида жаҳондаги халқаро иқтисодий ташкилотлар ҳамда жаҳон ҳамжамияти билан кенг кўламда ўзаро тенг ҳуқуқли асосларга эга алоқаларни ўрнатишдир. Бунда энг аввало Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг жаҳон хўжалигида интеграциялашув ¹¹ жараёнлари муҳим аҳамият касб этади. Жаҳон тажрибасидан маълумки, ҳеч бир давлат ўз қобиғига ўралган ҳолда тараққиётга эриша олмайди.

Албатта, жаҳон ҳамжамияти билан биргаликда узвий боғланган ҳолда ривожланиш босқичига кўтарилади. Бу ўринда мамлакатларнинг бир-бири билан ўзаро интеграциялашув жараёнлари муҳим ўрин тутади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек, «Интеграция жараёнлари сунъий тарзда тезлаштириш керак эмас. Интеграция бу – ўта жиддий ва узоқ давом этадиган жараёндир. Уни амалга ошириш учун аниқ шарт-шароитлар яратилмоғи лозимдир»². Чунки иқтисодий интеграцияни ташкил этаётган мамлакатларнинг иқтисодий вазияти ва мақсадлари доимо бир-бирига мос келмаслиги мумкин.

Бу мамлакатларнинг масалага ёндашуви ва фаолиятлари сунъий эмас, балки аниқ асосга таяниши шарт эканлигини билдиради. Шу боис ҳар бир давлатнинг минтақавий ва халқаро интеграциялашуви алоҳида аҳамиятга эгадир.

«Жаҳон хўжалигида иқтисодий интеграция миллий бозорлар ва мамлакатлар миллий хўжаликлари ўртасидаги узвий боғлиқлик ҳамжиҳат ривожланишни таъминлаш, турли мамлакатлар доирасида ресурсларнинг

¹¹ Интеграция – лотинча «integration» - «қисмларни бутуннинг таркибида бирлаштириш», бу сўз иқтисодий маънода эса, биринчи марта саноат соҳасида корхоналарнинг картел ва трест каби истеъмолчиларга таклиф қилинган товарларда вертикал алоқаларни шакллантириш мақсадида қўлланган.

² Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т. 4. - Т.: «Ўзбекистон», 1996. – Б. 327-328.

эркин ҳаракат қилиши, ягона умумий бозор ташкил қилиш мақсадларида бирлашувидир»³.

Халқаро иқтисодий интеграция бу – миллий иқтисодларнинг аниқ шарт-шароитлар асосида ихтиёрий равишда мақсадли ва манфаатли интеграциялашуви бўлиб, у турли босқич ва йўналишларни ўз таркибига камраб олувчи жараён дир. Шунингдек, иқтисодий интеграция шаклланиши учун миллий ишлаб чиқариш ривожланган, меҳнат тақсимооти чуқурлашган ҳукуматлар ташкилий ҳуқуқий асослар яратган бўлиши зарур дир.

Бу борада мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий ташкилотлар ва жаҳон мамлакатлари билан иқтисодий интеграциялашиш ҳамда ташқи иқтисодий фаолият борасида бир қанча қонунлар қабул қилинган:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Ўзбекистоннинг бошқа мамлакатлар билан дипломатик муносабатларининг ҳуқуқий асоси ҳисобланади (17-модда). Конституцияда мамлакатимиз ташқи сиёсатининг асосий тамойиллари батафсил баён этилган⁴.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташқи иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, кўшма тадбиркорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга йўналтирилган қўйидаги: «Экспорт-импорт операцияларини тартибга солишдаги қўшимча чора-тадбирлар» (1995 йил 2-апрель), «Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятини янада эркинлаштириш тўғрисида»ги (1995 йил 19-июлдаги), «Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш ва фаолиятини рағбатлантириш ва қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги (1996 йил 30-ноябрь), «Товарлар (ишлар, хизматлар)ни экспорт қилишни рағбатлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги (1997 йил 10-октябрь), «Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо фаолиятини янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2003 йил 26-сентябрдаги 3327-сонли) «Ташқи иқтисодий ва

³ Ўлмасов А. Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. – Т.: Меҳнат, 1995. -Б. 463.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон. - 1992. - Б. 12.

савдо алоқалари, хорижий инвестицияларини жалб этиш соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги (2005 йил 21-июлдаги 3151-сонли) Фармонлари эътиборга лойиқдир. Олий Мажлис томонидан қабул қилинган «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги (2000 йил май), «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги, «эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»ги, «Чет эл инвесторлари ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоратadbирлари тўғрисида»ги, «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги қонунлари бевосита қулай ва қўнгилли инвестицион муҳитни шакллантириш ва миллий корхоналар экспорт салоҳиятини юксалтиришга йўналтирилган⁴.

Ўзбекистоннинг жаҳонда ва Марказий Осиёда иқтисодий ҳамкорлик ва барқорорликнинг янада мустаҳкамланиши мамлакатлар ўртасидаги алоқаларнинг изчил ва амалий механизмларни ишлаб чиқишни тақазо этади. Бу жароённинг устуворликлари минтақалардаги давлатлар манфаатлари, иқтисодий имкониятлари, ижтимоий-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришнинг қуйидаги мақсадлари билан белгиланади:

- халқаро иқтисодий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш;
- жаҳон мамлакатлари билан иқтисодий интеграцияга киришиш;
- хорижий сармоялар эвазига қўшма корхоналарни ташкил қилиш;
- савдо соҳасида ҳамкорлик қилиш;
- ёқилғи-энергетика захираларидан самарали фойдаланиш;
- рақобатбордош тайёр маҳсулотларни чиқариш мақсадида ўзаро ишлаб чиқариш копирациясини йўлга қўйиш;
- ташқи бозорларга чиқиш имкониятига эга бўлган бирлаштирилган транспорт тизимини яратиш;
- алоқа ва коммуникацияларининг ягона тизимини ташкил этиш;
- бозор инфратузилмаларини ривожлантириш;
- тадбиркорликни ривожлантириш учун шарт-шароит яратиш;
- илмий-техникавий ҳамкорлик;

⁴ Жўраев С., Аҳмедов О., Раҳимов М. Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти: халқаро муносабатлар ва ташқи алоқаларни ташкил қилиш. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиш академияси. – Тошкент. «Ғафур Ғулом». -Б. 498-503.

Интеграция жараёнида ягона хўжалик мажмуи унинг таркибига киритилган субъектлар табиий ва иқтисодий омиллар, мамлакатлар иқтисодий ривожланиши йўналишини ифода этувчи умумий хусусиятларини тамоиллари негизида шаклланади. Мамлакатимизнинг жаҳон халқлари тинчлиги ва хавфсизлигига тинчликсевар ташқи сиёсати унинг жаҳон ҳамжимияти томонидан тан олиншига сабаб бўлди. Президентимиз таъкидлаганидек: «Сиёсатимизнинг асосий мақсади - дунёга эшик очиш, жаҳон майдонига тараққий этган давлатлар қаторига собит қадамлик билан кириб боришдир; ўзаро иқтисодий, маданий, илмий, савдо ва бошқа соҳаларда қизгин ҳамкорликни йўлга қўйишдир; Ўзбекистонни унинг бой ўтмишини, маъданиятини, ҳозирги кунини ва бу ерда амалга оширилиётган ўзгаришлар жараёнини дунёга танитишдир»⁵.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликни дастлабки кунлариданок ташқи сиёсатда ўз ўрни ва салоҳиятини эга бўлишга ҳаракат қилди ва қисқа даврда халқаро ҳамкорлик ўрнатишнинг ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилди. Ҳозирги кенг миқёсдаги кетаётган интеграциялашув, глобаллашув даврида нуфузли халқаро ташкилотлар билан икки ва кўп томонлама ҳамкорлик қилиш халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилган тамойилларни қабул қилиш ҳар жиҳатдан фойдалидир.

Қисқа давр мобайнида 50 га яқин лойиҳа молиялаштирилган бўлиб, улардан ярми ниҳоясига етказилди. 1993 йилдан бошлаб Ўзбекистонда амалга оширилаётган БМТ Тараққиёти Дастури лойиҳаларининг умумий қиймати қарийиб 17,5 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Дунёнинг 39 та давлатида Ўзбекистон ваколатхоналари очилган. Ўзбекистон Республикаси Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХХТ)нинг ҳам тўлақонли аъзосига айланди⁶. Ўзбекистон Республикаси 1992 йилда Халқаро валюта фонди ҳамда Европо Тикланиш ва Тараққиёт

⁵ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Т. «Ўзбекистон».1993.- Б. 169.

⁶ Халқ сўзи. 2001. - 31 август.- Б. 1.

Банки (ЕТТБ)га аъзо бўлди⁷. Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти⁸ (ИХТ)га, Жаҳон Савдо Ташкилоти⁹ (ЖСТ)га, Халқаро Валюта Фонди (ХВФ) га, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ)га, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШХТ) ташкилотларига аъзо бўлди ва иқтисодиётнинг деярли барча соҳаларида ҳамкорлик ишларини олиб бормоқда.

Бугун 27 нафар аъзо давлат ва 492 852 385 аҳолини ўзида бирлаштирган (3892685 км² ҳудудни эгаллаган)¹⁰ **Европа Иттифоқи (ЕИ)**, Ўзбекистон ташқи сиёсатида муҳим аҳамият касб этади. Икки томонлама муносабатларнинг аҳамияти эса қуйидагиларда ўз аксини топади.

Биринчидан, Европа Иттифоқининг ривожланган давлатлари (Франция, Германия, Буюк Британия, Италия) Ўзбекистон учун муҳим технология манбаидир.

Иккинчидан, Ўзбекистон ҳам улар учун ўз навбатида муҳим хом ашё манбаи бўлиб, айни пайтда Европа маҳсулотлари учун катта истеъмолчи хисобланади.

Учинчидан, Евроосиёда умумий минтақавий барқарорлик ва хавфсизликни сақлаш ва таъминлаш ҳар икки томон учун ҳам долзарб вазифадир.

Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасида ҳамкорликни икки йўналишга ажратиш мумкин.

Биринчиси – Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоеи ўртасида узоқ муддатга мўлжалланган «Шериклик ва Ҳамкорлик» тўғрисидаги битимни имзоланиши ва истиқболи.

Иккинчиси – Илмий-техникавий соҳага йўналтирилган «ТАСИС» дастури ва унинг ислохотларни амалга оширишдаги роли.

1995-2002 йиллар давомида Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон ўртасида амалга оширилган кўплаб лойиҳаларни амалга тадбиқ этишда Европа Банк

⁷ Раҳимова М. Халқаро иқтисодий ҳуқуқ. Т.- «Академия» 2006. – Б. 17.

⁸ Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти 1964 йилда Туркия Эрон ва Покистон ўртасида тузилган.

⁹ Бу ташкилот 1947 йилда тузилган бўлиб дастлаб у Тарифлар ва савдо буйича бош битим (ГАТТ) дейилган. 1994 йилда Жаҳон Савдо Ташкилоти (ЖСТ) деб номланган.

¹⁰ Интернет сайт [http:// www.gov.uz/](http://www.gov.uz/)

тузилмалари томонидан 8 млрд АҚШ доллари сарф қилинган. Шу ўринда 2001 йилнинг ўзида инвестицион лойиҳаларни амалга оширишга 1,2 млрд сарф қилингани, ҳамкорлик қанчалик салмоқли бўлаётганидан дарак беради.

Ўзбекистон Республикаси билан 1996 йил давомида жаҳоннинг 60 та мамлакатидан 900 та хорижий кредит-молия муассалари ҳамкорлик қилган. Бундан ташқари 49 та мамлакатдан 257 та банк ва фирмалар аккредитациядан ўтган. Шулардан Германия (60), Буюк Британия (30яқин), Туркия(28) ҳиссасига тўғри келади.

Ўзбекистон Республикасини ташқи савдо-товар айланмаси Европа давлатлари билан қуйидаги ҳолатда бўлиб бунда экспорт улуши 69,6%, импорт -74 % ташкил этди. Асосий савдо ҳамкорлари (экспортёр) Буюк Британия - 13,8 %, Швейцария - 13,7 %, Нидерландия - 4,4 %, Белгия -3,6 %, Германия - 14,4 %; импорт: Буюк Британия - 4,4 %, Италия - 3,2 %, Франция -3,2 % улушни ташкил этади. Ўзбекистон экспортининг: пахта - 27,3 %, электр энергия - 11,5 %, хизмат кўрсатиш - 9,3 %, ишлаб чиқариш маҳсулотлари - 6,4 %. Қора ва рангли металллар - 4,3 %, машина ва жиҳозлар -3,1 % ташкил этган¹¹.

Ўзбекистоннинг 1999 йил давомидаги экспорт улуши 51 %, импорт улуши эса 49 % ташкил қилган. Ҳамкорликни амалий ифодасини ЕИ ва Ўзбекистон ўртасидаги товар-айирбошлаш ва савдо ҳажми йилига кўпайиб бораётганида ҳам кўриш мумкин. Ҳозир Европа Иттифоқининг жаҳон иқтисодиётида ўрни салмоқли бўлиб, йиллик жаҳон экспортининг 57%, импортининг 55% унинг ҳиссасига тўғри келмоқда.

2003 йил январ-ноябр оралиғида икки томонлама товар айирбошлаш ЕИ ва Ўзбекистон ўртасида 1 млрд 7,2 млн АҚШ долларини ташкил қилди. Бунда экспорт улуши 479,5 млн, импорт – 527,7 млн АҚШ долларини ташкил этди. Бу давр савдо алоқаларида асосий ЕИга аъзо давлатлар улуши: Буюк Британия (319,1 млн); Германия (292,7 млн); Италия (96,8 млн);

¹¹ Интернет маълумоти - MFER. UZ - GOV. UZ

Бельгия (73,7 млн); Франция (61,9 млн) ва Нидерландия (37,8 млн) тўғри келди¹².

Ўзбекистонда 2005 йилгача бўлган даврда ЕИ мамлакатлари 147 фирма ва компаниялари аккредитациядан ўтган. Шу кунларда Ўзбекистонда Европа Иттифоқи мамлакатларига тегишли 500 компания ва фирмалари фаолият кўрсатмоқда. Шулардан 114 таси юз фоиз Европа капитали асосига қурилган.

Булардан ташқари яна халқаро иқтисодий алоқаларда Ўзбекистон саноатининг ўрнини асосан нефть ишлаб чиқариш соҳасида қузатишимиз мумкин.

Нефт мустақиллиги. Мустақиллик йилларида нефть маҳсулотлари ишлаб схиқаришни жиддий кўпайтиришга алоҳида эътибор берилди. Ўзбекистон ҳудудида 2 триллион кубометрга яқин газ захиралари, 160 дан ортиқ нефть кони мавжуд. Бироқ мамлакат нефть маҳсулотлари ишлаб схиқариш бўйича қарам бўлиб, қарийб 6 млн. тоннага яқин нефть маҳсулотлари сҳетдан келтирилар эди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида Россия ва бошқа мамлакатлардан сотиб олинган нефть маҳсулотлари усҳун 2 млн. тонна пахта хомашёси (600 минг тонна пахта толаси) берилар эди.

Ўзбекистоннинг нефть мустақиллигини таъминлаш асосий вазифалардан бири сифатида илгари сурилди. Республикада тарқоқ ҳолда фаолият юритаётган нефть ҳамда газни қазиб чиқариш ва қайта ишлаш корхоналари 1992-йилда ташкил этилган “Ўзбекнефтгаз” консернига бирлаштирилди. 1998-йилда эса у “Ўзбекнефтгаз” миллий холдинг компаниясига айлантирилди. Мазкур компания ривожланган давлатлардаги компаниялар билан ҳамкорлик ўрнатиб, 1995—2000-йилларда тармоққа 1,5 млрд. АҚШ доллари миқдорида хориж сармоясини жалб этди. Натижада республикамизнинг Устюрт, Бухоро—Хива, жануби-ғарбий Ҳисор, Сурхондарё, Фарғона минтақаларида газ, нефть ва газ конденсати қазиб

¹² Ўша жойда.

олувсҳи 92 та корхона кенгайтирилди, янги техник ускуналар билан жиҳозланди¹³.

Япониянинг “Мицуий” фирмаси билан ҳамкорликда Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи жаҳон андазалари даражасида таъмирланди. Мазкур корхонанинг дизел ёқилғиси ускунасини замонавий қисмлар билан жиҳозлашга 178 млн. АҚШ доллари сарфланди. Бу корхонада 50 дан ортиқ турдаги ёқилғи маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Нефт мустақиллигига эришишда АҚШнинг “Дрессер” ва “М.Й.Коллогг” ҳамда Япониянинг “Нишо компаниялари ишироқида 1997 вилда барпо этилган. Йилига 2.5 млрд, кубометр газ ҳайдаш қувватига эга бўлган Кўк - думалоқ конипрессор стансияси, Бухоро вилоятидаги Қоровулбозор шахрида барпо этилган нефтни қайта ишлаш заводининг ўрни катта бўлди. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводини бунёд этишда Франциянинг “Технип” компанияси ҳамда “Креди Коммерсиал де Франс” ва “Париба” банклари, Япониянинг “Марубени” ва “Жей-Жи-Си” компаниялари ва “Экспорт-импорт банки”, АҚШнинг “Сҳейз Манхеттен” банки, Туркиянинг “Гама” компанияси ўз сармоялари, техник асбоб-ускуналари, мутахассис-қурувсҳилари билан фаол қатнашди. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи 1997-йил 22-август куни ишга туширилди ва бензин, авиакеросин, суюлтирилган газ, дизел ёқилғиси каби маҳсулотлар ишлаб чиқара бошлади. Завод қурилиши жараёнида 262 млн АҚШ доллари ўзлаштирилди. Завод қурилишига “Ўзбекнефтгаз”, “Ўзмонтажмахсучурилиш”, “Нефтгазқурилиш” ва бошқа саноат, транспорт корхоналари, тегишли вазирликлар улкан ҳисса қўшдилар¹⁴.

1997-йилда республикада 7,9 млн тонна ёки 1990- йилга нисбатан 2,8 баравар кўп нефт маҳсулотлари ишлаб чиқарилди ва сҳетдан нефт маҳсулотлари сотиб олиш тўхтади. Ўзбекистон нефт мустақиллигига

¹³ Каримов И.А. «Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура».-Т.1.-Т.: «Ўзбекистон», 1996.-Б. 333-334.

¹⁴ Жўраев Н., Файзуллаев Т. Мустақил Ўзбекистон тарихи. Ўзбекистоннинг янги тарихи. –Т.: “Шарк”, 2009. 3-жилд. 6-боб.

эришди, нефт маҳсулотларини сҳетдан сотиб оладиган мамлакатдан четга сотадиган давлатга айланди.

Табиий газ ишлаб сҳиқариш ҳам ўсиб борди. 1991-йилда 41,8 млрд куб метр табиий газ ишлаб сҳиқарилган бўлса, 2000- йилда бу кўрсаткич 56,4 млрд куб метрга етди¹⁵.

2013 йил 22-28 май кунлари Республикамизда “Ўзэкспомарказ” мажмуида машинасозлик, электротехника ва авиация саноатини ривожлантириш, маҳсулотларни стандартлаштириш корхоналарининг тармоқ саноат ярмаркаси ва коопиреция биржаси иш бошлади. У Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 22 февралдаги “2013 йилда Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасини такомиллаштириш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига асосан УП Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг биринчи босқичи доирасида ташкил этилди.

Таъкидлаш керакки, Президентимиз ташаббуси билан асос солинган мазкур тадбирнинг узлуксиз фаолияти йўлга қўйилгани Ўзбекистон саноати ривожига кенг имкониятлар эшигини очиб берди. Нега деганда, у нафақат ички ва тармоқлараро кооперация алоқаларини ривожлантириш, балки, ташқи халқаро иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, хорижий инвестицияларни кўпроқ жалб этишга қўл келаётир.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, халқаро иқтисодий алоқаларда Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрни ва нуфузига эга бўлиб бўлаётир.

¹⁵ Жўраев Н., Файзуллаев Т. Мустақил Ўзбекистон тарихи. Ўзбекистоннинг янги тарихи. –Т.: “Шарк”, 2009. 3-жилд. 6-боб.

III БОБ. МАВЗУГА ОИД ДАРС ИШЛАНМАСИ

Ушбу мавзу Ўрта махсус, касб-хунар таълимининг умумтаълим фанлари Давлат Таълим Стандартлари¹ ва ўқув дастурларига киритилган бўлиб, мазкур мавзуни 11-синфларда ўқитишга 2 соат ажратилган. Дастурда бу мавзу “Республика иқтисодиётининг барқарорлашуви ва тараққиёти” деб номланган.

Давлат таълим стандартларига асосан 11-синфлар учун “Ўзбекистон тарихи”дан 2003 йил дарслик яратилган бўлиб, муаллифлари Қ.Усмоновдир². Умумтаълим ўрта мактаблари учун эса, “Ўзбекистон тарихи”дан дарслик 2000 йилда яратилган бўлиб, муаллифлари Д.А.Алимова, Р.Ҳ.Каримов, К.О.Оқилов, Қ.К.Ражабов, И.А.Алимов, А.А.Мавруловлардир³.

Ушбу дарсликларни ўқитиш асосида ўқувчилар онгида:

- Ўқувчиларнинг умуминсоний фазилатларга эга бўлиш, ўз миллати ва ватанини севиш, у билан фахрланиш, миллий урф-одатлар, кадриятларни ҳурмат қилиши.
- Мустақиллик йилларида Ўзбекистон саноатининг ривожланиши ҳақида аниқ билимларга эга бўлиш, халқаро воқеа, ходиса ва муаммоларни тушуна олиши.
- Мустақил ва ижодий фикрлаш, фикрларни ёзма ва оғзаки, равон баён этиш малакалари шаклланган бўлиши.
- Турли вазиятларни танқидий баҳолаш, янгиликларга доимий интилиши.
- Ўзлаштирилган назарий билимларни амалиётга, бошланғич касбий кўникмаларни ҳаётга, турмушга тадбиқ эта олиш сифатларига эга бўлиши назарда тутилади.

¹Ўрта махсус, касб-хунар таълимининг умумтаълим фанлари давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари: Жаҳон тарихи. Ўзбекистон тарихи. Шахс ва жамият. Давлат ва ҳуқуқ. Маъанвият асослари. Эстетика. / Таҳрир ҳаёйати: Р.Х.Жўраев, Ж.Х.Хусанов, Х.Ф.Масудова ва бошқ. – Т.: “Шарқ”, 2001. 256 б.

²Усмонов Қ., Содиков М. Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар): Академик лицей ва касб – хунар коллеж. 1-курс ўқувчилари учун дарслик. -Т.: “Шарқ”, 2003. – 256 б.

³Алимова Д. А., Каримов Р.Ҳ., Оқилов К.О., Ражабов Қ.К., Алимов И.А., Маврулов А.А. Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар): 10-синф ўқувчилари учун дарслик. – Т.: “Шарқ”, 2000. – 416 б.

Ушбу мавзуни касб – ҳунар коллежларида ўқитишда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Мавзуга доир дарс ишланмасини тахминан қуйидагича тавсия этилиш мумкин:

Мавзунинг дарс ишланмаси.

Мавзу: Мустақиллик йилларида иқтисодиётнинг барқарорлашуви ва тараққиёти.

Дарсни олиб бориш технологияси

Ўқувчилар сони: 20-35	Вақти: 1-соат
Ўқув машғулотининг шакли	Янги мавзунинг баёни
Маъруза режаси	1.Мустақиллик йилларида иқтисодиётнинг барқарорлашуви ва тараққиёти. 2.Саноат тармоқларининг ривожланиши.
Маъруза машғулотининг мақсади:	Мустақиллик йилларида Ўзбекистон саноатининг ривожланиши, иқтисодиётни эркинлаштириш ҳақида маълумот бериш.
Педагогик вазифа:	Ўқув фаолиятнинг натижаси
1.Ўқувчиларга “Мустақиллик йилларида иқтисодиётнинг барқарорлашуви ва тараққиёти” сиёсати хусусида тушунчалар бериш.	Ўқувчилар “Мустақиллик йилларида иқтисодиётнинг барқарорлашуви ва тараққиёти” сиёсати хусусида тушунчаларга эга бўладилар.
2.Ўқувчиларга Саноат тармоқларининг ривожланиши ҳақида маълумотлар бериш.	Ўқувчилар Саноат тармоқларининг ривожланиши тарихи ҳақида маълумотларни эгаллайдилар.
Ўқитиш усуллари ва техника	Маъруза, “Бумеранг”, “Тарози” (Весы), “ФСМУ” услублари, Инсерт.

Ўқитиш воситалари	Компьютер технологияси, слайдлар.
Ўқитиш шакли	Жамоа бўлиб ишлаш.
Ўқитиш шарт-шароитлари	Компьютерлаштирилган, техника воситалари билан таъминланган ўқув хона.
Баҳолаш	Кузатиш, оғзаки назорат, сўров.

Дарснинг технологик харитаси

Иш жараёнлари Вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Ўқувчи
1- босқич Кириш (10 дақиқа)	1.1.Ўқитувчи маърузанинг мавзуси, режасини эълон қилади, ўқув машғулотининг мақсади ва натижаларини тушунтиради. (1-илова).	Тинглайди, ёзиб олади.
	1.2.Машғулотнинг ўтказиш шакли ва баҳолаш меъзонларини эълон қилади. (2-илова).	Ўқувчилар ёзиб оладилар.
2- босқич Асосий жараён (20 дақиқа)	2.1.Ўқув машғулотининг 1-режаси бўйича маъруза қилинади (3-илова). Бумеранг усулидан фойдаланган ҳолда ўқувчиларга қуйидаги савол билан мурожаат қилади: “Мустақиллик йилларида иқтисодиётда қандай	Ўқувчилар ёзадилар, саволга жавоб берадилар.

	<p>ўзгаришлар юз берди?” (4-илова).</p> <p>2.2. Ўқитувчи мавзу режасининг иккинчи пункти бўйича маъруза қилади (5-илова). Маъруза бўйича “Тарози” (“Весы”) усулидан фойдаланган ҳолда ўқувчиларга қуйидаги савол билан мурожаат қилади: “Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда қандай саноат тармоқлари ривожланди?” (6-илова).</p> <p>Ўқитувчи ўқувчиларнинг жавобларини тинглаб саволларга берилган жавобларни слайдлар ёрдамида умумлаштиради.</p>	<p>Ўқувчилар ёзадилар, саволга жавоб берадилар.</p>
	<p>2.3. Саноат тармоқларининг ривожланиши масалаларини ёритишда “Кичик гуруҳларда ишлаш” орқали амалга оширилишини эълон қилади. “ФСМУ” техникасидан фойдаланган ҳолда кичик гуруҳларга топшириқлар беради (7-илова). Қўшимча</p>	<p>Саволларга жавоб берадилар. Баҳс ва мунозара олиб борилади. Гуруҳларда ишлайди.</p>

	<p>маълумотлардан фойдаланиш учун ўқувчиларга имконият яратади. Ҳар бир гуруҳ топшириқларни қоғозларга ёзиб, ўз фикрларини билдирадилар. Ўқитувчи жавоблар ва билимларни умумлаштиради, хулосаларга алоҳида эътибор беради. Ўқувчиларнинг фаоллигига, берилган саволга қайси ўқувчилар тўғри жавоб берганликларига диққатини қаратади.</p>	
<p>3-босқич. Якуний босқич (10 дақиқа)</p>	<p>3.1.Маъруза мавзуси бўйича умумий хулоса қилинади. 3.2.Ўқувчиларнинг баҳолаш меъзонлари эълон қилинади (8-илова). 3.3.Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар берилади. 3.4.Кейинги дарсда ўтиладиган мавзу эълон қилинади. “Инсерт” усулида жадвалга мустақил тайёрланишлари сўралади (9-илова).</p>	<p>Тинглайдилар. Ёзиб оладилар. Ўқувчилар жавоб ёзадилар. “Инсерт” усулида жадвални тўлдирадилар.</p>

Мавзу: Мустақиллик йилларида иқтисодиётнинг барқарорлашуви ва тараққиёти.

Режа:

1. Мустақиллик йилларида иқтисодиётнинг барқарорлашуви ва тараққиёти.
2. Саноат тармоқларининг ривожланиши.

Ўқув машғулотининг мақсади: Мустақиллик йилларида Ўзбекистон саноатининг ривожланиши, иқтисодиётни эркинлаштириш ҳақида маълумот бериш.

Ўқув фаолиятининг натижалари: Ўқувчиларга Саноат тармоқларининг ривожланиш жараёнлари изоҳлаб берилди.

Гуруҳлар	Саволнинг аниқ ёритилишига 0-5 балгача	Мисоллар билан муаммога ечим топишига 0-5 балгача	Гуруҳ аъзоларининг фаоллигига 0-5 балгача	Жами балл 5 балл

15-13 балл = “5” баҳо

12-10 балл = “4” баҳо

9-6 балл = “3” баҳо

Мустақиллик йилларида иқтисодиётнинг барқарорлашуви ва таракқиёти.

Республика ҳукумати аҳолини ҳимоялаш мақсадида чекланган доирадаги озиқ-овқат ва саноат товарлари нархларининг чегарасини белгилаб қўйди. Шунингдек, аҳолига кўсатилаётган айрим турдаги хизматларнинг энг юқори таърифлари жорий этилди. Шу муносабат билан дон, буғдой етиштириш учун, ун бошқа озиқ-овқат молларини ишлаб чиқаришга қилинадиган ҳаражатларнинг бир қисми республика бюджетидан тўланди. Мактаб ўқувчилари ва талабаларга бепул нонушта ва имтиёзли овқат беришдан кўрилган зарар ҳам давлат бюджетидан қопланди.

1994 йилнинг октябр-ноябр ойлари нархларни эркинлаштириш жараёнида муҳим босқич бўлди. Бу даврда ҳалқ истеъмоли моллари асосий турларининг нархлари эркин қўйиб юборилди, транспорт ва коммунал хизмаларининг таърифлари оширилди. Нон ва уннинг нархлари, уй-жой коммунал хўжалиги ҳамда шаҳар умумий транспорти хизматларининг таърифларигагина қисман дотация бериладиган бўлди. Шундай қилиб, иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг биринчи босқичи нархларни тўла эркинлаштириш билан тугади. Бозор муносабатларини шакллантиришни тегишли муҳитсиз –товар, пул бозорларида ва меҳнат ресурслари бозорида хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида ўзаро алоқани таъминлаши керак бўлган бозор инфраструктурасиз тасаввур этиб бўлмайди².

Бозорга ўтишдан олдин бозор инфраструктурасини яратиш зарур. Инфраструктурани бирданига яратиб бўлмайди. Бу анча узоқ давом этадиган ва мураккаб жараён бўлиб, бошқа талаблар билан бир қаторда юксак касбий маҳоратга эга кадрлар бўлишини, шунингдек, хўжалик

² Қаранг: Каримов.И.А. “Ўзбекистон буюк келажак сари”. Т. Ўзбекистон.1998-йил. –Б.260-261.

юритувчи субъектлар ҳам аҳоли ҳам хўжалик фаолиятининг янги шароитларига руҳан мослашишини талаб қилади

Бозор инфраструктурасини шакллантириш сари ташланган биринчи кадам маҳсулот етказиб беришга мажбурий давлат буюртмаси тизимининг, уни ишлаб чиқаришни фондлаштирилган ресурслар билан марказлашган тартибда таъминлашнинг тугатилишидан иборат бўлди.

4-илова

1-ўқув топшириқ

“Бумеранг” технологияси

“Мустақиллик йилларида иқтисодиётда қандай ўзгаришлар юз берди?” саволига “Бумеранг” технологияси орқали ўқувчилар муаммони ҳал қиладилар.

“Бумеранг” технологияси ўтказиш тартиби

Мазкур технология бир машғулот давомида ўқув материални чуқур ва яхлит ҳолатда ўрганиш, ижодий тушуниб етиш, эркин эгаллашга йўналтирилган. У турли мазмун ва характерга (муаммоли, мунозарали, турли мазмунли) эга бўлган мавзуларни ўрганишга яроқли бўлиб, ўз ичига оғзаки ва ёзма иш шаклларини қамраб олади (*биз ушбу дарсда оғзаки шаклни назарда тутамиз*). Бир машғулот давомида ҳар бир иштирокчининг турли топшириқларни бажариши, навбат билан ўқувчи ёки ўқитувчи ролида чиқиши мумкин.

“Бумеранг” технологияси танқидий фикрлаш, мантиқни шакллантиришга имконият яратади, хотирани ривожлантиради, ғояларни, фикрларни, далилларни ёзма ва оғзаки шаклларда баён қилиш кўникмаларини ривожлантиради.

Асосий тушунчалар қуйидагилар:

Очиқ саволлар- бу саволлар муомала, сўзлашувни давом эттиришга имкон беради. Уларга қисқа жавоб бериш мумкин эмас.

Ёпиқ саволлар- бу саволлар олдиндан “ҳа” ёки “йўқ” типдаги тўғри, очиқ жавобларни беришни кўзда тутди. Кўндаланг сўроқ- бир-бирига гуруҳлар берувчи қисқа саволлар қатори бўлиб, бу ўзига хос ахборотларни излаш ҳамда далилларни, оппонентлар позициясини аниқлаш ва муайян қарорлар қабул қилиш учун ажойиб имкониятдир.

5-илова

Саноат тармоқларининг ривожланиши.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда саноат тармоқлари жадал ривожланди. Жумладан, **Машинасозлик саноати**. Республикамиздаги мавжуд бўлган бир несҳа ўнлаб машинасозлик корхоналарини таркибий жиҳатдан қайта қуриш мақсадида 1993-йилда Ўзбекистон давлат машинасозлик корхоналари уюшмаси — „Ўзмашсаноат“, 1996-йилда “Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг”, 1998 - йилда “Ўзнефтгазмаш” корпорацияси, “Ўзбектўқимачимаш” бирлашмаси ташкил этилди.

Олмалиқ кон-металлургия комбинати, Бекободдаги металлургия заводи, Зарафшондаги 2-гидрометаллургия заводи, Чирчиқдаги қийин эрувчан ва ўтга чидамли металл комбинати қайта таъмирланди. Бекобод металлургия комбинатида йилига 100 минг тонна пўлат шар ва металл прокат тайёрловсҳи янги қувватлар ишга туширилди.

Автомобил йўллари қурилиши жадал олиб борилди. 1991—2001 - йилларда 727 км. узунликдаги автомобил ёллари, 460 та кўприк ва йўл ўтказгисҳлар, 4000 га яқин автопавилон қурилди. Шаҳар ва қишлоқлардаги ички йўллар таъмирланди. Шўртан газ-кимё мажмуаси **Ўзбекистон кимё саноатининг** фахри ҳисобланади. 1995- йил октабрда

Ўзбекистон билан АҚШнинг “АББ Луммус Глобал” компанияси ўртасида Шўртан газ-кимё мажмуасини қуриш бўйисҳа битим тузилган эди. Тезда қурилиш-монтаж ишлари лойиҳаси ишлаб чиқилди. 1997—2001-йилларда АҚШ, Германия, Япония, Италия ва бошқа давлатларнинг нуфузли компаниялари иштирокида қурилиш ишлари амалга оширилди.

Бу эса Ўзбекистонда ягона темирйўл тизимини барпо этиш, минтақадаги фойдали қазилма конларини комплекс ўзлаштириш, катта миқдордаги валюта маблағларини ишлаб топиш ва тежаш, одамларнинг узоғини яқин қилиш билан бирга, кўплаб янги иш ўринларини осҳиш, шаҳар ва қишлоқларда йирик **саноат корхоналарини** бунёд этиш, энг муҳими, жойларда қисқик ва ўрта бизнесни ривожлантириш имконини беради.

Ўзбекистонда ягона темирёи тизимини барпо этишда яна бир муҳим аҳамиятга эга бўлган Ғузур-Бойсун-Қумқўғон темирйўли жадаллик билан қурилмоқда. Термиз шаҳрида янги вокзал, Тошкентда вагонларни таъмирлаш заводи қурилиб ишга туширилди.

6-илова

1-ўқув топширик

“Тарози” (Весы) технологияси

“Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда қандай саноат тармоқлари ривожланди?” саволига “Тарози”(Веер) технологияси орқали ўқувчилар муаммони ҳал қиладилар.

“Тарози” (Весы) технологияси *ўтказиш тартиби*

Мазкур технология мунозарали мавзуларни ўрганишда қўл келади. У танқидий тафаккур, мантиқ, ижодий импровизация, фикрий тажрибаларни ривожлантиришга йўналтирилган. Бу технология

далиллаш қобилиятини ривожлантириш, ўз далилларини ёзма ва оғзаки шаклда ишончли ва лўнда ифодалашни шакллантиради (биз оғзаки ифодалашни назарда тутдик). Ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилади. Муҳолифатларни ишонтиради, мунозара маданиятига ўргатади.

“Весы” технологияси ўқув материални ўрганишнинг турли босқичларида қўлланилиши мумкин. Аммо у ўтилган материаллар бўйича хулоса қилиш босқичида юқори самара ва натижа беради, чунки, ўқиётганларнинг юқори даражада хабардорликларини ва ўрганилган материаллардан эркин фойдаланишини назарда тутди. Бу технология кичик гуруҳларда ва жамоалар орасида амалиётга татбиқ этилиши мумкин.

Асосий тушунчалар сифатида қуйидагиларни келтириши мумкин:

Мавзу турли нуқтаи назарларнинг тўқнашувига имконият берувчи ҳамда уларнинг биронтасига ҳам имтиёз бермайдиган тасдиқдир. Мавзу шундай танланиши керакки, у ўрганилаётган мавзунинг барча қарраларини очиши, ўқувчиларнинг ахборот қидириш ҳамда изланувчанлик фаолиятларини рағбатлантирсин.

Аргумент – бу ўз нуқтаи назарини тасдиқлашга олиб келувчи асосли далил, ғоя, мулоҳазадир. Далиллаш аниқ, мантиқли, асосланган бўлиши, фактлар, шарҳлар, мулоҳазалар, исботлар, мисоллар, манбаларга, ҳаволалар билан қувватланган бўлиши керак.

Контраргумент- (қарши далиллаш) – бу муҳолифларнинг далилларини рад этиш бўлиб, у далиллашга қўйиладиган талабларга мос келиши керак. Тўғри танланган контраргумент муҳолифларнинг нуқтаи назарини заифлаштириши ҳамда ўзининг ҳимоя ёки рад этиш чизиғини мустаҳкамлаши лозим.

2-ўқув топширик
ФСМУ технологияси

Ушбу технология мунозарали масалаларни хал этишда ҳамда ўқув жараёнини баҳс мунозарали ўтказишда қўлланилади, чунки бу технология ўқувчиларни ўз фикрларини ҳамоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очик ҳолда баҳслашишга ҳамда шу билан бирга баҳслашиш маданиятини ўргатади. Тингловчиларга тарқатилган оддий қоғозга ўз фикрларини аниқ ва қисқа ҳолатда ифода этиб, тасдиқловчи далиллар ёки инкор этувчи фикрларни баён этишга ёрдам беради.

Ф- *фикрингизни баён этинг*

С- фикрингизни баёнига *сабаб* кўрсатинг

М- кўрсатилган сабабингизни исботловчи *мисол* келтиринг

У- келтирилган *фикр, сабаб, мисоларни умумлаштиринг*

1-гурух

Савол	“Мустақиллик йилларида иқтисодиётда қандай ўзгаришлар юз берди?”
Ф - фикрингизни баён этинг	
С- фикрингизни баёнига <i>сабаб</i> кўрсатинг	
М- кўрсатилган сабабингизни исботловчи <i>мисол</i> келтиринг	
У- келтирилган <i>фикр, сабаб, мисоларни умумлаштиринг</i>	

2-гурух

Савол	Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда қандай саноат тармоқлари ривожланди?”
Ф - <i>фикрингизни баён этинг</i>	
С- фикрингизни баёнига <i>сабаб</i> кўрсатинг	
М- кўрсатилган сабабингизни исботловчи <i>мисол</i> келтиринг	
У- келтирилган <i>фикр, сабаб, мисоларни умумлаштиринг</i>	

8-илова

Мустақаш учун саволлар:

1. Нима сабабдан 1991-1994 йилларда иқтисодий кўрсаткичлар пасайди?
2. Иқтисодиётни барқарорлаштириш учун қандай меъзонлар асос қилиб олинди?
3. Иқтисодиётнинг қайси тармоқларида таркибий ўзгаришлар амалга оширилди?
4. Машинасозлик саноати қандай ривожланди?
5. Металлургия ва олтин қазиб олиш саноати ривожини ҳақида сўзлаб беринг.
6. ”ЎзДЭУоавто” қўшма корхонасининг барпо этилиши ҳақида нималар биласиз?
7. СамКосхавто - ҳақидачи?
8. Нефть мустақиллигига қандай эришилди? Кимё саноатининг ривожланиши ҳақида гапиринг.

- 9.Енгил саноатда қандай янги корхоналар барпо этилди?
- 10.Республикада транспорт тизимининг ривожига ҳақида нималар биласиз?
- 11.Ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни қандай кечди?

9-илова

Инсерт усулидан фойдаланиб ишлаш қондаси

1.Маъруза матнини ўқиб, матннинг четига қуйидаги белгиларни қўйиб чиқинг:

Б- биламан

+ - мен учун янги маълумот

- - мен билган маълумотни инкор қилади

? – ноаниқ (аниқлаштириш талаб қиладиган) қўшимча маълумот

2.Олинган натижаларни жадвал шаклида расмийлаштинг.

№	Саволлар	Б	-	+	?
1					
2					
3					
4					

Хайрлашув

Уйга вазифа бериш.

III - Бобга хулоса

Битирув малакавий ишнинг III – Бобда “Мустақиллик йилларида иқтисодиётнинг барқарорлашуви ва тараққиёти” мавзуси юзасидан дарс ишланмаси ўз аксини топган. Педагогик амалиёт давомида ушбу мавзунини ўқитишга тавсия этилаётган замонавий педагогик технологиялар тажриба – синовдан ўтказилди. Тажрибали ўқитувчилар ушбу мавзуга таклиф этилаётган педагогик технологиялар мавзу моҳиятини очишга хизмат қилишини, ўқувчида мавзу юзасидан билим ва малакаларни шакллантиришда катта аҳамият касб этишини таъкидладилар. Биз ушбу мавзунини ўқитишда “Бумеранг”, “ФСМУ”, “Тарози ” технологияларидан фойдаландик. Тажриба – синов натижасига кўра, талабалар мавзунини чуқур ўзлаштирдилар. Анъанавий дарс ўтилганда улар 70% сифат кўрсаткичига эга бўлган бўлсалар, замонавий педагогик технологиялар асосида ноанъанавий дарс ўтилганда ўқувчиларнинг билим даражалари 89 фоиз сифат ўзлаштиришини кўрсатди.

Хулоса

Юқоридагилардан келиб чиқиб битирув малакавий ишимизга кўйидагича умумий хулоса қилиш мумкин:

Мустақилликнинг дастлабки йилларида республиканинг энергетика, металлургия, машинасозлик, қурилиш материаллари ва бошқа саноат тармоқлари ривожланди. Халқ хўжалиги учун зарур маҳсулотлар ишлаб чиқариш суръатлари изчил ўсди.

1991 йил май ойида Тошкент, Фарғона тўқимачилик комбинатлари, Андижон ва Нукус ип-газлама комбинатлари, улар тасарруфига кичик ва ўрта корхоналарни бирлаштирган “Ўзбекенгилсаноат” давлат уюшмаси ташкил этилди.

Ўзбекистонда амалга оширилган иқтисодий сиёсатнинг устивор йўналишлари, иқтисодиётда институционал ўзгаришлар ва бошқарувнинг маъмурий буйруқбозлик тизимини тугалланиши масалаларига доир тадқиқотлар ўрганилди ва таҳлил қилинди. Масалан: энг аввало Президентимизнинг шу мавзуга оид адабиётлари ўқиб ўрганилди. Бундан ташқари Н.Тўхлиев, В.А Чжен Л.Левитин кабиларнинг мавзуга оид манбаларини келтириш мумкин.

Республика ҳукуматининг давлат мулкани хусусийлаштириш ва кўп укладли иқтисодиёт асосларини шакллантириш борасидаги ишлари манбаларга асосан таҳлил қилиб ўрганилди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодий тараққиёт йўлининг танлаб олинishi, мамлакатимизда нархларни эркинлаштириш ва бозор инфраструктурасини шакллантириш, энергетика, металлургия, машинасозлик саноати борасида олиб борилган ишлар қиёсий, солиштириб, таққослаб ўрганилди.

Президент И.А.Каримов республика иқтисодиётининг бош ислоҳонтчиси бўлганликлари ва уларнинг раҳнамолигида Республикада саноат тармоқларининг ривожланиш масалалари мавжуд адабиётлар асосида таҳлил қилинди. 1993 йилда Ўзбекистон давлат машинасозлик

корхоналари уюшмаси – “Ўзмашсаноат”, 1996 йилда “Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг”, 1998 йилда “Ўзбектўқимачимаш” бирлашмалари ташкил этилди.

Президент И.Каримов ташаббуси билан Ўзбекистон автомобил ишлаб чиқарувчи қўшма корхона барпо этилди. Бу билан автомобилсозлик саноатининг ривожланишига замин яратилди. 1992 йил 5-ноябрда Асака шаҳрида O'zDAEWOOAVTO корхонасини ташкил қилиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Унинг таъсисчилари этиб “DAEWOO” корпарацияси ва “Ўзавтосаноат” уюшмаси, ҳар икки тарафнинг қўшма корхонадаги улуши 50% дан иборат қилиб белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1996 йил апрель ойида “Маҳаллий ва енгил саноатни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тадбирлари тўғрисида” қарор қабул қилди.

2002 йил бошларида “Ўзбекенгилсаноат” давлат уюшмасига бирлашган 15 та кичик ва 102 та йирик корхоналар пахта толасини қайта ишлаб йилига 130 минг тонна йигирилган ип, 50 млн. квадрат метр газлама, 2,5 млн. квадрат метр гилам, 62 млн. дона трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга бўлди.

2001 йил 20 июндаги Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 20-июндаги “Республика қоғоз саноатини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан “Ўзбекқоғозсаноат” уюшмаси ташкил этилди.

Мавзуни ўрганиш асосида, умумтаълим ўрта махсус таълим тизимида ўқитишнинг педагогик усуллари тизимлаштирилди. Яъни мавзуни ўқитишда замонавий педагогик технологиялардан: **“Бумеранг” технологияси**”, **“Тарози” (Весы) технологияси**” ва ҳақозолардан фойдаланиб дарс ўтишнинг усуллари кўрсатиб берилди.

6.Ўрта махсус таълим тизимининг юқори синфида мавзуни ўқитишга доир методик тавсиялар ишлаб чиқилди.

ТАВСИЯЛАР

1. Дарслик, тарихий илмий асарлардаги “Мустақиллик йилларида Ўзбекистон саноатининг ривожланиши” мавзуси таълим жараёнида қиёсий ўрганилса мавзунинг чуқур ўзлаштирилишини таъминлайди.

2. Мавзуни ўқитишда замонавий педагогик технологиялардан унумли фойдаланилса дарс самарадорлиги ошади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- 1.Каримов И.А. Истиқлол йўли: муаммолар ва режалар. Ўзбекистон:миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. –Т.: “Ўзбекистон”. 1-жилд, 1996. 19-30-бетлар.
- 2.Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Ўзбекистон:миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. –Т.: “Ўзбекистон”. 1-жилд, 1996.61-76-бетлар.
- 3.Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Ўзбекистон:миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. –Т.: “Ўзбекистон”. 1-жилд, 1996.274-359-бетлар.
- Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий истиқболнинг асосий тамойиллари. –Т.: “Ўзбекистон”, 1995й.
- 4.Каримов И.А. Ҳозирги босқичда демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари. –Т.: “Ўзбекистон”, 1996 й.
- 5.Каримов И.А. Ўзбекистон 21-аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд, 190 – 226-бетлар.
- 6.Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.:”Ўзбекистон”, 13-жилд. 2005й. 203 – 220-бетлар.

7.Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.:”Ўзбекистон”, 13-жилд. 2005й.174 – 222-бетлар.

8.Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодийтимизни барқарор ривожлантириш йўлида. 16-жилд, 2008. 14 – 24, 43 – 50 бетлар.

9.Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. / Халқ сўзи. 13 ноябрь сони, 1 бет кириш қисми, 4-бет 6-қисм “Демократик бозор ислоҳотларини ва иқтисодийтни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш”.

10.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: “Ўзбекистон” 2003.12-боб, 53 – 55-моддалар. 11-бет. Жамиятнинг иқтисодий негизлари.

11.Тўхлиев Н. Бозорга ўтишнинг машаққатли йўли. –Т.: “Ўзбекистон”, 240 б.

12.Чжен В.А. Хусусийлаштириш асослари. –Т. “Иқтисод ва ҳуқуқ дунёси”, 1996.

13.Жўраев Н., Файзуллаев Т. Мустақил Ўзбекистон тарихи. Ўзбекистоннинг янги тарихи. –Т.: “Шарқ”, 2009. 3-жилд. 6-боб.

14.Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. – Т.: “Ўзбекистон”, 2001.

15.Йўлдошев Ю.Қ. Ўзбекистонда иқтисодий эркинлаштириш,

модернизациялаш, халқнинг ҳаёт даражасини юксалтириш: натижа ва устувор вазифалар. –Т.: Фан ва технология нашриёти, 2007.

16. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимнинг умумтаълим фанлари давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари: Жаҳон тарихи. Ўзбекистон тарихи. Шахс ва жамият. Давлат ва ҳуқуқ. Маъанвият асослари. Эстетика. / Таҳрир ҳаёти: Р.Х.Жўраев, Ж.Х.Хусанов, Х.Ф.Масудова ва бошқ. – Т.: “Шарқ”, 2001. 256 б.

17. Усмонов Қ., Содиқов М. Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар): Академик лицей ва касб – ҳунар коллеж. 1-курс ўқувчилари учун дарслик. - Т.: “Шарқ”, 2003. – 256 б.

18. Алимова Д. А., Каримов Р.Ҳ., Оқилов К.О., Ражабов Қ.К., Алимов И.А., Маврулов А.А. Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар): 10-синф ўқувчилари учун дарслик. – Т.: “Шарқ”, 2000. – 416 б.

19. ЎЗР Давлат статистика қўмитаси жорий архиви. 1990 йилги материаллар. 20-25-бетлар.

20. ”Иқтисод ва ҳаёт”. 1990, № 5, 3-бет.

21. Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар. Тошкент: “Шарқ”, 1999. 24б.

22. Усмонов Қ., Содиқов М. Ўзбекистон тарихи. (1917-1991 йиллар). Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари 1–курс ўқувчилари учун дарслик. “Шарқ”. Тошкент. 2003. 230б.

23. HYPERLINR "[http:// www. ziyonet.net](http://www.ziyonet.net)"

24. HYPERLINR "[http:// www. history.ru](http://www.history.ru)"

25. HYPERLINR "[http:// www. natura.com/](http://www.natura.com/)"

26 HYPERLINR "[http:// www. archaelogy.ru/](http://www.archaelogy.ru/)"

27. [www.arshiv.ru. uz.](http://www.arshiv.ru.uz)

28. HYPERLINK "[http:// www. Magister. Msk.ru/library/ history.1](http://www.Magister.Msk.ru/library/history.1)"

29. HYPERLINR "<http://www.museum.ru/>"

30. E-mail: books@infra-m.ru